Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1990 йил 21 февраль
ЧОРШАНБА
№ 44 (4.838).

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

БАҲОРГА ПЕШВОЗ

САБЗАВОТНИ ЕТИШТИРИШДАН КЎРА ТОПШИРИШ ҚИЙИН

Ўраталабдан майдалаб ёға бошлаган ёмғир тушдан кейин қорга айланди. Бир зумда замин узра оппоқ чойшаб ёйилгандай бўлди. Ўзига яраша совуғи ҳам бор. Совхоз директори Хуррам Тўлаков плёнка остига карам экилган пайкалларни бирмабир кезиб чиқди. Ҳаммаси жойида, плёнкалар чети тупроқ билан мустаҳкам бостирилган, унча-мунча шамол кўтаролмайди.

...Ангор районидаги сабзавотчиликка ихтисослашган «Ангор» совхозида оилавий пудратнинг жорий этилиши айни муддао бўлди. Акс ҳолда ҳозирги қор-ёмғирли пайтда одамларни шудгор оралатишнинг ўзи бўлармиди? Бригада бошлиғини топиш керак, у уйма-уй юриб аъзоларини чақириб чиқади, бири бўлса, иккиси йўқ. Бундай пайтда саноқли лаҳзаларда экинни совуққа олдириб қўйиш мумкин. Ҳозирчи, деҳқон ернинг ҳақиқий соҳиби бўлгач, қиладиган ишини ўзи билади. Ҳар йили ҳосил тўлиқ йиғиштириб олингач, ер деҳқонларга тақсимлаб берилаяпти. Совхоз билан сабзавоткор ўртасида шу заҳоти шартнома тузилади, унда деҳқон қанча ва қайси турдаги маҳсулотни етказиб бериши, бир гектар ердан оладиган ҳосили, хўжаликка келтириши лозим бўлган даромад аниқ кўрсатилади. Совхознинг ҳам шунга яраша мажбуриятлари бор. Ерни ўз вақтида шудгор қилиш, текислаш, эгат очиш, ишлов бериш учун техникани етказиб бериши керак.

Қарс икки қўлдан чиқади, деб шунинг учун айтадилар-да. Ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик пировард натижа —маҳсулот етиштиришни йил сайин кўпайтириш имконини бераётир. Совхоз тармоқдан бундан тўрт-беш йил олдингидек зарар эмас, аксинча фойда кўраяпти. Бултур давлатга 7.669 тонна маҳсулот сотишган бўлса, унинг тўрт минг тоннаси умумиттифоқ фондига жўнатилди. 300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 214 центнер ўрнига 220 центнердан маҳсулот етиштирилди. Режалаштирилган 2 миллион 453 минг сўм ўрнига 4 миллион 648 минг сўм даромад, 691 минг сўм соф фойда кўрилди. Оилавий пудрат асосида меҳнат қилаётган 550 нафар сабзавоткорнинг ҳар бири ўртача 220—240 сўмдан ойлик маош олмоқда.

Оилавий пудратчи Тўра Абдиев билан дала бошида учрашиб қолдик. 0,30 гектар майдонга декабрь ойининг иккинчи ярмида плёнка остига карам кўчати ўтказишган экан. Қорлар эриб, кунлар илиши билан плёнкалар очилиб, ҳашаротга қарши ишлов берилди, ниҳоллар бўғзини юмшатишди. Ниҳоллар баравж, деҳқоннинг таъкидлашича, апрель ойининг иккинчи ярмида эртаги карам пишади.

— Бултур қарийб бир гектар майдонда деҳқончилик қилганмиз, — дейди Тўра Абдиев. — Натижа ёмон эмас. 18 тонна ўрнига 29,4 тонна маҳсулот топширдик. Оиламиз хўжаликка 19,3 минг сўм даромад келтирди. Унинг 9,6 минг сўмини бизга иш ҳақи сифатида тўлашди. Демак, бир гектар суғорма ер ўн минг сўмдан зиёд даромад келтираяпти. Бу жуда юқори кўрсаткич, албатта. Бундай натижага қандай эришаяпмиз? Аввало, ҳосилни бир кун бўлса-да, эрта етиштириш чоралари кўрилмоқда. Тайёр маҳсулотни умумиттифоқ фондига жўнатиш учун ўз вақтида бошқа шаҳарлардаги саноат корхоналари билан хўжалигимиз вакилларининг шартнома тузиб келишлари айни муддао бўлаётир. Акс ҳолда бизнинг қорни қор ёки совуқни совуқ демасдан қилган меҳнатимиз натижаси — маҳсулотимиз касодга учраши турган гап. Жорий йилдан район агросаноат-кооператив уюшмаси раҳбарлари бундай шартномалар тузиш фақат биз орқали бўлиши лозим, деган масалани кўндаланг қўйишаяпти. Бу ҳолда хўжаликларнинг мустақиллиги яна тушовланмайдими?

Сабзавот етиштириш пахта етиштириш эмаслигини унутмаслик керак. Нимасини айтасиз, сабзавотчиликда пахтачиликдаги сингари ҳамма иш техника ёрдамида бажарилмайди. Биз кези келганда фарзандларимизнинг ҳаммасини ниҳол экиш, ишлов беришга, айниқса, ҳосилни йиғиштириб олишга жалб этамиз. Акс ҳолда улгурмаймиз. Совхозимизда декабрь ойида 30 гектар майдонда плёнка остига карам кўчати ўтқазилди. Ўша пайтда далаларимиздаги меҳнатнинг нақадар тиғиз эканлигини кўрсангиз эди. Ҳар киши бир кунда 0,6 гектар майдонга 4—6 минг туп, селка ёрдамида эса 2—2,5 гектарга кўчат экиш мумкин экан. Вилоятдаги сабзавотчиликка ихтисослашган совхозда бундай сеялканинг ўзи йўқ. Ёки етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб топширишни олайлик. Карамнинг пишганини битталаб пичоқ билан кесиб оламиз, тозалаб, сўнгра яшикларга жойлаштирамиз. У давлат стандарти талабларига тўғри келиши лозим. Буниси ҳам майли, тайёр маҳсулотни топширишнинг нақадар машаққат эканлигини тасаввур қилиш қийин. Вагонлар ўз вақтида, етарли берилмайди. Йўл ёқалари карам ортилган транспорт воситалари билан тирбанд бўлади. Сансалорлик, хўжасизлик юз беради. Карам ана шундай таҳликада топширилади, дейлик. Помидорчи? У даладан узилгач, саноқли соатларда истеъмолчиларга ёки қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилиши шарт. Бизда-чи, нене машаққатлар билан етиштирилган ҳосилнинг 30—40 фоизи эгаларига етказилмасдан нобуд бўлмоқда. Совхоздан Денов консерва заводига ташиб бориладиган помидорнинг сифати тўғрисида қандай гап-сўз бўлиши мумкин? Бундай маҳсулотнинг уловидан тушови қимматга тушмоқда. Ангор ёки Жарқўрғон районлари оралиғида сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган ихчам саноат корхонаси қурилса, олам гулистон бўларди. Бу ҳақдаги мулоҳазаларимиз шу пайтгача инобатга олинмади. Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастурида худди шу масала хусусида алоҳида фикр юритилган экан, демак бу соҳада амалий ишга ўтилса керак, деб умид қиламиз. Ҳозирча сабзавоткор етиштираётган маҳсулотларнинг давлат харид нархи арзон экан, ҳеч бўлмаса уни исроф қилмаслик чорасини кўришимиз зарур.

Жуда ўринли мулоҳазалар. Бу фикрларни хўжаликдаги кўпгина сабзавоткорлардан эшитишга тўғри келди. Деҳқонлар мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигини бартараф этишга оз бўлса-да улушларини қўшиш ниятида ҳар қандай об-ҳаво шароитида эртаги, мўл ва сифатли маҳсулот етиштириш учун меҳнат қилишмоқда. Фақат жумҳурият ёки вилоят аҳолисига эмас, Иттифоқимизнинг шимолий районлари меҳнаткашларига маҳсулот етказиб беришмоқда. Шу ҳисобдан хўжалик иқтисодиёти мустаҳкамланганлигини, сабзавоткорлар моддий манфаатдорлиги яхшиланаётганлигини инкор этмаслик керак. Лекин бундан қатъий назар, қиш бўйи ҳар туп ниҳолни меҳр билан ардоқлаб, ҳали замин қизишга улгурмасидан эл дастурхонига маҳсулот етказиб беришнинг ўзи бўладими? Деҳқонлар баъзида уларнинг меҳнатини қадрлаш у ёқда турсин, ҳатто ҳақорат қилишаётганидан нолиб гапиришди. Якунланган йилда сабзавоткорлар 30 майда Урганч шаҳрига шартнома асосида 91 тонна эртаги карам жўнатишди. Карамни урганчликлар 2 июнда қабул қилиб олишган. Умумий қоидага кўра тез бузиладиган маҳсулот сифати бир суткада аниқланиб, эътирозга ўрин бўлса, телеграмма билан маҳсулот эгасининг вакили чақиртирилиши, уларни уч кун кутиш лозим экан. Афсуски, карамни қабул қилиб олган «Урганчзаготплодовошторг» идораси бу қоидага риоя этишни эп кўрмади. 2 июнда қабул қилинган карамдан 30 июнда анализ олинган эмиш. Шунда карам таркибидаги нитрат нормадан юқори, деб хулоса чиқарилган. Ҳолбуки, Урганч шаҳридан 2 июнда «Ангор» совхозига йўлланган телеграммада «Жўнатилган маҳсулот келди. Камомад бор», дейилган холос. 4 июлга келиб — орадан роса бир ой ўтгач, маҳсулотнинг сифатини текшириш учун вакиллар келиши сўралган. Таажжуб! Ахир маҳсулот қабул қилингач, бир ойда 91 тонна карам нитрати нормадан паст бўлган тақдирда ҳам қандай сақланиши мумкин? Совхоз вакиллари Урганч шаҳрида бўлишганида ўша «нитрати нормадан юқори» маҳсулот қаерга тўкилганлигини ҳеч ким топиб беролмаганлиги бундан ҳам таажжубли бўлган. Ахир совхоз фақат Урганч шаҳрига эмас, мамлакатимиздаги 73 та саноат корхонасига маҳсулот жўнатиб, бирортасидан бундай эътирозли хабар олмаган. Энди-чи, хўжалик урганчликлардан 91 тонна карамнинг ҳақини ололмаётганликлари етмаганидек, давлат арбитри ўртоқ К. Головянцнинг хулосасига кўра 8.846 сўм жарима ҳам тўлаши керакмиш. Маҳсулотни етиштирган деҳқонларга тўланадиган иш ҳақини, техника, темир йўл харажатларини қаердан қоплаш керак? Совхоз юристи Худойберди Қулназаровнинг қўлида давлат арбитри хулосалари асоссиз эканлиги тўғрисида етарли далиллар бор. Наҳотки давлат арбитри, урганчлик харидорлар хўжалик турли шаҳарларга жўнатган тўрт минг тонна карамдан бор-йўғи 91 тоннасида нитрат нормадан юқори бўлишига ўзлари ишонишса? Бунга ақл бовар қилмайди. Хўжалик раҳбари ва мутахассисларнинг таъкидлашларича, нормадан зиёд бериладиган минерал ўғитнинг ўзи анқонинг уруғи. Янги ўзлаштирилган, паст унум ерга ҳатто картограмма асосида минерал ўғит бериш имкони бўлмаётир.

— Иттифоқ фондига жўнатилаётган маҳсулот салмоғи йил сайин ортаяпти, — деди хўжаликнинг бош агрономи Хуррам Маматмўминов. — Жорий йилда тўрт минг тоннадан зиёд маҳсулот етказиб бермоқчимиз. Ҳозир вакилларимиз Москва, Ижевск, Челябинск, Свердловск шаҳарларидаги қатор саноат корхоналарига шартнома тузиш учун кетишган. Плёнка остида эртаги карам етиштириладиган майдонни 30 гектарга етказдик. Халқимиз дастурхонига фақат карам эмас, сабзавотнинг бошқа турлари ҳам барвақт етказиб берилишига нима етсин? Лекин область агросаноат-кооператив уюшмаси полиэтилен плёнкасига бўлган эҳтиёжимизни қондиролмаяпти. Яқинда олинган 20 тонна плёнка 10 гектар ерда помидор, карам кўчати етиштириш ҳамда барвақт экилган 20 гектар ердаги ниҳолларнинг устини ёпиш учун етади, холос. Ёки ҳозиргача маҳсулотимизнинг харид нархи арзонлиги хусусида фикр юритамиз-у, сабзавотчиликда механизация кўлами пастлиги маҳсулот таннархига таъсирини унутамиз. Ҳозир хўжалигимизда бир центнер маҳсулот таннархи пландаги 18 сўм ўрнига 22,5 сўм бўлаётир. Бир центнер помидорни ўн сўмдан, карамни 30 сўмдан, полизни ўн сўмдан сотамиз. Сабзавотчилик билан пахтачилик ўртасидаги тафовут талайгина. Пахта ҳосили учун 3—4 суғориш кифоя. Ҳосил пишгач, шудгор олдидан бир карра сув югуртирилади, холос. Сабзавот-чи, мавсумда 18 мартагача суғорилади. Айниқса, помидор пишгач, ҳар уч-тўрт кунда суғорилмаса, пояси қовжирай бошлайди. Бодринг ҳам шундай, ҳосил бир карра териб олингач, албатта, суғорилиши шарт. Раҳбарларимиз ана шу тафовутни тушунгилари келмайди. Сув тақсимотида пахтакор ёки сабзавотчилик хўжалиги учун ўлчов бир хил.

Жорий йилда республика партия ва ҳукуматининг кўрсатмасига кўра, совхозда янги ўзлаштирилган ердан 90 оилага 0,20 гектардан томорқа ўлчаб берилди. Бу жуда яхши. Ҳозир ҳам шахсий томорқаларда етиштирилаётган сабзавотнинг бир қисми давлатга топширилаётир. Ҳар йили томорқалардан минг тоннагача помидор қабул қилиш имконияти бор. Афсуски, ҳозирча шахсий томорқалардаги маҳсулот у ёқда турсин, хўжалик далаларида етиштирилган помидорнинг 30—40 фоизи нобуд бўлмоқда. Масала яна сабзавот сақланадиган омбор ёки маҳсулотни қайта ишлайдиган корхона қуришга бориб тақалади. Мақсад халқимизни йил давомида сабзавот билан таъминлаш экан, нега энди маҳсулотни қайта ишлайдиган кичик корхоналар қуриш пайсалга солинаяпти? Ахир имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаса, ҳаракат дастуридаги режалар қачон бажарилади? Гап эртаги карам ёки помидор етиштиришдагина эмас, ҳозир 17 гектар майдондаги картошка униб чиқиш арафасида, саримсоқ, ош лавлаги, сабзи, пиёз, редискадан ҳам мўл ҳосил етиштириш кўзланаяпти. Сабзавоткорларни ҳозир маҳсулот етиштириш эмас, тайёр маҳсулотни вақтида, исроф қилмасдан истеъмолчиларга етказиб бериш ташвишлантираяпти.

Б. КЕНЖАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Эл дастурхонини турфа хил дармондори, неъматлар билан тўкин қилишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз соҳибкорлари лимон етиштириладиган иссиқхоналарда техника воситаларини ишлатишдан воз кечиб, улар ўрнига... арава қўшилган отлардан фойдаланишаётир. Бундан асосий мақсад тежамкорликка эришиш эмас, балки иссиқхоналар ҳавосининг мусаффолигини сақлашдир. Чунки лимон дарахтлари жуда сезгир бўлади: ҳар қандай бузилган иқлим ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади.

СУРАТДА: оилавий пудратчилар етакчиси Алишер Мамараҳимов. Коллектив 3 гектар майдоннинг ҳар гектаридан юқори ҳосил етиштиришга муваффақ бўлди.

Е. БОТИРОВ олган сурат.

ЯГОНА МАҚСАД ЙЎЛИДА

Охунбобоев районидаги «Ўзбекистон» колхози деҳқонлари ўтган хўжалик йилини муваффақиятли якунладилар. Асосий тармоқ — пахтачилик ойдин йўлга чиқиб олди. Давлатга 2263 тонна оқ олтин сотилди. Гектар ҳосилдорлиги салкам 30 центнерга етди. Бу пландагидан анча кўп. Муҳими— хом ашёнинг асосий қисми ёрдамчиларсиз, зангори кемалар мададида саранжомланди. Яъни 1067 тонна пахта бункерлардан ағдарилди. Ҳар машинанинг иш унуми 90—102 тоннага тўғри келди. О. Ураимов, О. Раҳимов, С. Раҳматжонов бошлиқ бригадаларда ҳар гектар майдондан 31—33 центнердан хирмон кўтарилди.

Ижара пудрати, ердан, сувдан, техникадан, ўғитдан, ишчи кучидан оқилона фойдаланиш катта даромад олиш имконини берди. Меҳнатни уюштириш ва рағбатлантиришнинг ана шу усулига дадил ўтган М. Тожибоев, М. Отақулова, А. Усмонов бошлиқ звеноларда гектар ҳосилдорлиги 36—40 центнерни ташкил этди. Бунинг эвазига ижарачилар сарфланган ҳар сўмга 1,5—2 сўмдан қўшимча ҳақ олдилар.

Жорий йилда ютуқлар салмоғини янада ошириш — колхоз меҳнат аҳлининг ягона фикри, тилаги ва мақсади. Шу ниятда ҳозир дала ва фермаларда суръатга суръат қўшилмоқда. Бошқача айтганда, ҳар гектар ердан 28 центнердан пахта, кўплаб миқдорда дон, полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш юзасидан бошланган ҳаракат кун сайин авжга чиқаяпти. Ўтган даврда дала бошига 1,5 минг тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит ташилди. Ариқ-зовурларни тартибга келтириш, шўр ювиш, техникани кўкламга шайлаш каби тадбирлар ҳам маромида бораётир.

Чорвадорлар эса қишловни талафотсиз ўтказиш бўйича қатор тадбирларни изчил амалга оширмоқдалар. Зеро, бултур давлатга гўшт, сут, тухум, жун сотиш планлари ошириб бажарилган экан, бунда аввало чорва моллари парваришига эътибор ортганлиги, мўл-кўл ем-хашак базаси вужудга келтирилганлиги муҳим аҳамият касб этди. Шу боисдан бу йил 1989 йилдагига қараганда 30 гектар кўп майдонга, жами 263 гектар ерга озуқа экинлари жойлаштириш назарда тутилаяпти. Кузда 148 гектар пайкалга сепилган оралиқ экин бугунги кунда яшнаб ўсаяпти. У ўриб-йиғиб олингач, ўрнига чигит қадалади.

Айни пайтда республика партия ва ҳукуматининг «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ҳамда якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантириш тўғрисида»ги қарори жадал амалга оширилмоқда. Ҳозирга қадар 200 оилага 8—15 сотихдан томорқа берилди. Яна 150 нафар колхозчининг талабини қондириш чоралари кўрилаяпти. Умуман ана шу мақсадга 75 гектар унумдор ер ажратилади.

И. КАМОЛОВ,
СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ЭГИЗ ҚЎЗИЛАР

Авзалбек қўрадан чиқиб уйга кирганида вақт алламаҳал бўлишига қарамай хотини нима биландир ивирсиб юрарди.

— Ухламадингми? — хотинига юзланди у ва астагина жойга ёнбошлади.

— Уйқум қочди. Тинчликми ўзи, узоқ қолиб кетдингиз?

— Тинчлик, онаси. Бирови қўзилади. Жонивор эгиз туғди.

— Унда сиз ётиб бироз мизғиб олинг. Мен хабар олиб тураман.

Шу кунларда қўйчиликда тиғиз дамлар бошланди. Совлиқлар қўзилай бошлади. Ҳамма қатори Авзалбек ҳам бу мавсумга алоҳида тайёргарлик кўрди. Ихтиёрндаги 170 совлиқни алоҳида гуруҳга ажратди. Қўзилар учун иссиқ хона тайёрлади. Отарида қўзилатиш барвақт бошланди. Дастлабки натижа чакки эмас. Қўзилар соғлом, дуркун ўсмоқда.

Чортоқ районидаги «Октябрь» колхози чўпони Авзалбек Мўминов ҳамкасблари ўртасида обрў-эътибор топган. У жамоат чорвасини кўз қорачиғидек эъзозлайди, парваришини яхшилаб, кўпайтириш пайидан бўлади.

— Бу йилги қиш илиқ келди, — дейди чўпон. — Лекин бу билан хотиржам бўлмаслик керак. Халқимизда «Қишнинг бир кунидан қўрқ», деган нақл бор. Отарни қўзғаб туриш керак. Совлиқ очиқ майдонда кўп юрса туғиши осонлашади ва соғлом қўзи беради. Албатта озуқа турли-туман бўлиши керак. Кўп қўй орасида ориқ-тўриқлари бўлиши шубҳасиз. Мен бундай совлиқларни ажратиб, алоҳида боқаман. Уларга озуқа ва ем кўпроқ ажратилади.

Чиндан ҳам Авзалбек бош бўлган отардаги совлиқлар ўртача семизликда. Кечагина колхоз қўйчилик фермаси бригадири Файзиллохон Рафиқов бир хушхабарни айтди. Тажрибали чўпон А. Мўминов ихтиёрдаги совлиқларнинг ҳар юздан юзтадан қўзи олиб планни бажарибди. Имкониятини чамалаб бу кўрсаткични 110 бошга етказиш мажбуриятини олибди.

А. Мўминовнинг мусобақадоши Қўчқор Бўканов ҳам 110 совлиқдан 120 қўзи олиб планни уддалади.

Колхоз чўпонлари бу йил ҳар юз бош совлиқдан 110 тадан қўзи олишга азму қарор қилишган. Ана шу эзгу ният йўлида 630 бош совлиқ меҳр билан парвариш қилинмоқда. Чўпон-чўлиқларнинг диққат-эътибори қишловни кўнгилдагидек якунлаб, чорва туёғини кўпайтиришга қаратилган.

К. РАҲИМОВ.

СССР Олий Советида

19 февраль куни СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг ёпиқ қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Озарбайжон ва Арманистонда вужудга келган вазият тўғрисида-ги, шунингдек мазкур вазиятни нормаллаштиришга оид чора-тадбирлар ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Муҳокама давом эттирилади.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ А. С. ВИКТОРЕНКОНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик парвозни муваффақиятли амалга оширгани ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатгани учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт-учувчиси ўртоқ Александр Степанович **Викторенко Октябрь революцияси** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Советининг раиси

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 19 февраль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ А. А. СЕРЕБРОВНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик парвозни муваффақиятли амалга оширгани ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатгани учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт-учувчиси ўртоқ Александр Александрович **Серебров Октябрь революцияси** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Советининг раиси

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 19 февраль.

МАВСУМГА ШАЙ

Олтиариқ районидаги «Пахтакор» совхозининг механизаторлари техника воситаларини созлашни биринчилар қаторида тугалладилар. Иш уюшқоқлик билан ташкил этилганлиги, социалистик мусобақа намунали йўлга қўйилганлиги туфайли қисқа вақт ичида 45 та чопиқ, 18 та ҳайдов трактори, 30 та культиватор, 19 та чизель, 28 та сеялка, 485 та борона, 18 та плуг, 19 та сув насоси, 8 та текислаш агрегати тайёрлов чизиғидан жой олди. Ҳаммаси сифат комиссияси назоратидан ўтди.

Созлаш юмушларини тез ва сифатли якунлашда Алижон Раззоқов, Жаъфар Абдураҳмонов, Мамасиддиқ Тешабоев, Норинбой Шокиров, Абдулҳамид Тожиев каби механизаторлар, созловчи-чилангарлар алоҳида жонбозлик кўрсатдилар.

Шунингдек, райондаги Охунбобоев номли колхозда ҳам барча машина-механизмлар баҳорги экиш мавсумига шайлаб қўйилди.

Т. УМАРОВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «пахта» ишига доир жиноятлар натижасида қилинган ўғирликлар ва етказилган моддий зарарнинг судлар ҳукмида эълон қилинган миқдорлари ҳақиқийлигини чуқур ўрганиш мақсадида комиссия тузди. Комиссияга республика Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошчилик қилмоқда. Комиссия составига Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тайёргарлиги пухта, малакали ходимлари киритилган.

Комиссия иш бошлади ва бу ишни олти ой давомида тугаллаш мўлжалланмоқда.

Қайта қуришнинг миллий жиҳатлари

БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ...

Тошкентда миллатлараро муносабатлар республика маркази тузилди. Марказ ҳукумат қарорига мувофиқ Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ҳузурида ташкил этилди ва у миллий маданият марказлари фаолиятини мувофиқлаштириб туриши керак.

— Ҳар бир халқ ўз маданияти ва тилини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш имкониятига эга бўлиши лозим, — дейди миллатлараро муносабатлар марказининг директори Ш. Н. Шарипов. — Ўз она тилида алоқа қилинаётганида юзага келадиган ҳамжиҳатлик алоҳида аҳамиятга эга эканлиги сир эмас. Тил шундай руҳий муштаракликни, шундай нозик ўзаро алоқани, диллар яқинлигини вужудга келтирадики, бундай муҳит бошқа ҳеч қандай йўсинда пайдо бўла олмайди. Сўнгги вақтда пайдо бўлган миллий маданият марказларининг программ ҳужжатларида она тилини ўрганишга кўмаклашиш хусусидаги банд асосий вазифалардан бири сифатида ёзиб қўйилганлиги тасодифий эмас.

— Ўзингиз яқинда бош бўлган ташкилотнинг вазифалари тўғрисида, тузилган миллий-маданий марказларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигида унинг аҳамияти қандайлиги тўғрисида гапириб берсангиз.

— Мақсадимиз кам сонли халқлар вакиллари маданиятини ривожлантиришга кўмаклашишдир. Ҳозир Тошкентда саккизта маданият маркази ишлаб турибди. Тошкент областида ва республикамизнинг бошқа областларида бундай марказлар анчагина. Миллатлараро муносабатларнинг бошқа бир шакли—байналмилал марказлар ҳам кенг оммалашмоқда. Маданий марказларнинг пайдо бўлиши — ленинча миллий сиёсатнинг амалда бажарилиши бўлиб, бу Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида режалаштирилган, КПССнинг миллий масалалар ҳаракат дастурида белгилаб берилган. Айтмоқчи, Ўзбекистон Компартиясининг сайлов олди ҳаракат дастурида ҳам мазкур муаммога эътибор берилади.

— Марказларнинг тузилиши — ҳали барча масалаларнинг ҳал этилиши деган гап эмас, бундай марказларни рўйхатдан ўтказиш чўзиб юборилаётганлиги, кўп илтимосларни, жумладан у ёки бу тилни болалар боғчаларида ўргатиш группаларини, синфларни очиш, радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар тайёрлаш ҳақидаги илтимосларни кўриб чиқишга тўраларча ёндашилаётганлигига кўп мисоллар келтириш мумкин.

— Афсуски, сансалорлик одамларда ишончсизлик уйғотади. Улар иложи борича тезроқ натижага эришишни хоҳлайдилар, лекин кўпинча «сабр қилинг, кўриб чиқамиз», деб жавоб беришади. Республика маркази кўп масалалар тезроқ ҳал этилишига ёрдам бериш ниятидадир. Бизда 10 киши ишлайди. Ташкилий-методик, миллий тиллар, миллий маданиятлар, урф-одатлар ва маросимлар бўлимлари тузилмоқда.

«Республика маркази қаерда жойлашган?» деган саволимизга Шавкат Назирович мавҳумроқ жавоб берди: «Ҳозирча СССР халқлар дўстлиги музейи биносида жойлашсак керак. Афтидан, унинг бир қаноти бизга бериладиганга ўхшайди». Агар кўп марказлар миллий байрамлар, концертлар, миллий таом кунларини ўтказишни режалаштириб қўйганликларини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ернинг торлик қилиб қолиши турган гап. Музейнинг чоғроқ биносида ҳаммани ҳам жойлаштириб бўлармикин? Зотан, матбуотда қурилиши тўхтатиб қўйилган «Осиё» ресторани биносини миллий-маданий марказларга бериш тўғрисидаги масала неча бор кўтарилган эди. Яна бир масала кўндаланг бўлмоқда. Марказ Маданият министрлиги ҳузурида тузилган. Лекин ушбу министрлик марказ режалаштираётган барча хайрли ишларни рўёбга чиқаришга қурби етармикан? Чунки министрликнинг моддий базаси унча бой эмаслиги маълум-ку.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

ДЕМОКРАТИЯ, ЯНГИЛАНИШ—ДАВР ТАЛАБИ

Калинин районидаги «Партия ХХ съезди» колхози меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг ҳаракат дастури лойиҳасини қизғин муҳокама қилмоқдалар

Гарчи қийин, машаққатли бўлса-да, лекин совет халқи яшаш шароитини яхшилаш, Ватанимиз имкониятларини рўёбга чиқариш учун қайта қуришдан бошқа оқилона, тўғри йўл йўқ. Ўн йиллар давомида иқтисодиёт, ижтимоий ва миллатлараро муносабатлар соҳасида, жамиятнинг маънавий турмушида тўпланиб қолган муаммоларни фақат шу тақлитда бартараф қила олиш мумкин эди. Бу йўлни изчиллик билан давом эттириш, бошланган ўзгартишларнинг суръатларини, ўткир иқтисодий-ижтимоий ҳамда сиёсий масалалар ечимини топишни жадаллаштириш, бугунги мураккаб шароитда ва яқин келажакда масъулиятни дадил зиммага олиб, қатъият билан ҳаракат қилиш лозим. Марказий Комитетнинг КПСС XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳасида бу алоҳида таъкидланиб, инсонпарварлик ва демократия принципларига асосланган социализм сари боришда партия сиёсатининг энг долзарб, муҳим қирралари баён этилган.

Калинин районидаги «Партия ХХ съезди» колхози коммунистлари, барча меҳнаткашлари мазкур ҳужжатни катта қизиқиш билан ўқиб-ўрганмоқдалар. У қуйи партия ташкилотларида, меҳнат коллективларида чуқур муҳокама қилинаяпти. Инсонга эътибор, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш, хўжалик юритиш шакллари, иқтисодий ислоҳот, нарх, партияни тубдан қайта қуриш, янгиланаётган жамиятда унинг ўрни ва роли, бошланғич ташкилотлар ҳуқуқлари ҳамда мустақиллигини кенгайтиришга оид фикрлар айниқса кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Куни кеча ўтказилган давра суҳбатида ҳам КПСС аъзолари ҳаракат дастури лойиҳасининг алоҳида бандлари бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

ЕРГА МЕҲР, ДЕҲҚОНГА АРДОҚ

Боқижон ФОЗИЛОВ,
правление раиси, Тошкент область партия комитети аъзолигига номзод.

«Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ниҳоятда ўткир муаммо бўлиб турибди. КПСС гўшт, сут, сабзавот, деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни жадал ўстириш манфаатларини назарда тутиб экономика аграр секторини устун ривожлантириш тарафдоридир.

Ерда хўжалик юритишнинг барча шаклларини ривожлантириш озиқ-овқат муаммосини ҳал этишнинг негизи бўлиши керак...»

(Ҳаракат дастури лойиҳасидан).

Марказий Комитетнинг КПСС XXVIII съездига программ ҳужжати билан танишаётиб, юқоридаги жумлалар эътиборимни ўзига тортди. Зероки, булар бевосита биз, қишлоқ хўжалиги ходимларига тегишли бўлиб, зиммамизга аниқ вазифалар юклайди.

Партия ҳеч қачон халқни ёмон йўлга бошламаган. Балки унинг сафига янглиш кириб қолган, имонига хиёнаткор айрим шахслар кейинги ўн йилликларда коммунист шаънига доғ туширишга, ишончни сусайтиришга уриндилар. Худди ўшалар деҳқонларни алдашди, уларнинг ишига ҳар хил усуллар билан халал беришди. Аслида партияга дахлсиз, бироқ унинг номидан қилинган қинғирликлар, кўзбўямачиликлар ва ҳоказолар меҳнаткаш омманинг унга ихлосини сўндиролгани йўқ. Буни биргина бизнинг колхоз мисолида яққол кўриш мумкин. Хўжаликка раҳбарликда, ишлаб чиқаришда партия ташкилотининг мавқеи баланд, меҳнат коллективларида КПСС аъзоларининг ўрни беқиёс. Коммунистлар даъваткор сўзлари ҳамда амалий ишлари билан бошқаларни илҳомлантирмоқдалар.

Асосан сабзавот ва сут етиштириш билан шуғулланамиз. Бинобарин, аҳоли дастурхони тўкинчилигига ҳиссамиз қўшилади. Ҳаракат дастури лойиҳасида таъкидланганидек, бу ҳозирги пайтда жуда ўткир муаммо ҳисобланади. Хўш, уни ҳал этиш борасида нималар қилинмоқда? Ушбу саволга ўтган йил натижалари билан жавоб қайтармоқчиман.

1989 йилда сабзавоткорларимиз астойдил ишладилар. Истеъмолчиларга жами 5137 тонна ёки белгиланганидан минг тонна зиёд маҳсулот тортиқ этилиб, план 125 фоизга бажарилди. Иссиқхоналарда етиштирилган эртаги сабзавотлардан айниқса яхши манфаат кўрдик. Бултур май бошида рўй берган табиий офат картошка ва узум ҳосилига жиддий зарар етказди. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг қолган барча соҳалари топшириқлари муваффақиятли уддаланди.

Хўжалигимиз иқтисодиёти бақувват. Гектарлар унумдорлигини ошириш, чорва маҳсулотларини кўпайтириш, бошқа ички резервлардан самарали фойдаланиш эвазига у янада мустаҳкамланмоқда. Ўтган йили колхознинг ялпи даромади 4 миллион сўмдан ошди, шундан 1 миллион 502 минг сўми соф фойда. Ўртача рентабеллик 46,6 фоизга етди. Бошқача айтганда, сарфланган ҳар бир сўм қарийб эллик тийин қўшимча келтирдики, бу аввалги йилдагидан уч баравар кўп.

Коммунистлар етакчилик қилган коллективлар ҳосилдорлик ва маҳсулот етиштириш бўйича юқори натижаларни қўлга киритдилар. Пирмат Нурматов бошлиқ 3-бригада аъзолари 12,5 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 241 центнер ўрнига 311 центнердан ҳосил олишди. Муҳиддин Зуҳуров бригадаси миришкорлари эса гектар ҳисобига 287 центнердан, яъни мўлжалдагидан салкам 70 центнер зиёд маҳсулот тайёрлашди. Район партия комитети аъзолигига номзод Зокир Абдуллаев, Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени соҳиби Зуҳур Юсупов бошлиқ сабзавоткорлар ҳам йилни қувончли якунладилар.

Тармоқда асосан оилавий пудратчилар ишлашади. Бу усул 1988 йилдан кенг жорий этилди. Бултур 407 нафар пудратчи правление билан ўзаро шартнома тузиб, сидқидилдан тер тўкди. Шубҳасиз, уларнинг айримлари юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Колхозимизнинг пойтахтда иккита фирма дўкони бор. Етиштирилган маҳсулотнинг бир қисмини сотишдан яхши самара кўрилаяпти. Бу ҳар томонлама маъқул: биринчидан, шаҳар аҳолисига сифатли ҳолда неъмат етказиб берилаётир, иккинчидан, хўжалик иқтисодий фойда олмоқда. Ўтган йили дўконлар орқали 183 минг сўмлик мева-чева сотилди. Агар ҳалиги маҳсулот бевосита давлат қабул пунктига топширилганида 108 минг сўм ҳақ тўланарди. Демак, иккала дўкондан жамоат кассасига 75 минг сўм кирим бўлди.

Бултур ишга туширилган қайта ишлаш цехи ярим йилдаёқ ўз харажатларини оқлади. Қурилишга 43.262 сўм сарфланганди. 1989 йил охиригача бу ерда 49.484 сўмлик маҳсулотлар қайта ишланиб, реализация қилинди. Цех қисқа вақт ичида рентабелликка эришди. Ишлаб чиқараётган консервалар шаҳардаги дўконларимизда сотилмоқда. Эндиликда бундан фақат фойда кўрилади.

Жорий йилги режаларимиз ҳам чакки эмас. Ялпи маҳсулот салмоғини, иқтисодий манфаатдорликни ошириш учун барча куч ва имконият ишга солинади. Шу ўринда Ҳаракат дастури лойиҳасини ўқиб-ўрганиш жараёнида пайдо бўлган баъзи мулоҳазаларни айтмоқчиман. Аввало партия ҳақида. Бу хусусда сўзимнинг бошида бироз тўхталдим. Мамлакатимиз сарҳадлари кенг, сермиллат. Айни пайтда уни бошқаришда КПССдан бошқа сиёсий раҳбар, раҳнамо куч, йўлбошчи йўқ. Қайта қуриш, ошкоралик, демократия ва ҳоказо ҳаётбахш ўзгаришлар ташаббускори, ижодкори ҳам у. Шундай экан, ўз тақдирини етмиш йилдан зиёд вақт мобайнида партияга топширган халқимиз ҳозирги қийин шароитда вазминлик, сабр-тоқат қилиши, ишонч билдириши лозим. Муҳокамага қўйилган ҳужжат бунинг учун ҳар бир кишига асос беради, деб ўйлайман.

Таклифим шуки, партиямиз қишлоқ меҳнаткашига ҳам алоҳида эътиборни қаратса. Сир эмас, бугунги кунда ишчи билан деҳқоннинг нафақат ишида, балки бутун кундалик ҳаётида ва турмушида катта фарқ бор. Иккинчисининг аҳволи анча ночор. Ўтган йили ҳар бир колхозчимизнинг ўртача даромади 1967 сўмни ташкил этди. Илғор хўжаликда шундай, лекин серфарзанд ўзбек хонадони учун бу мутлақо етмайди. Барча моддий неъматлар яратувчиси бўлган деҳқон меҳнатини муносиб қадрламоқ керакки, шунда у ишчининг ҳам, раҳбарнинг ҳам, хуллас, ҳамманинг устини бут, қорнини тўқ қилибгина қолмай, партия ўртага қўяётган озиқ-овқат муаммосини тезроқ ҳал этишга кўпроқ ҳисса қўшади.

УМИД ВА ТИЛАГИМИЗ

Бўронгул ЖОНБУСИНОВА,
сигирсоғар, колхоз партия комитетининг аъзоси.

«КПСС қуйидагиларни амалга ошириш учун курашаверади:

— хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга доир катта тадбирларни амалга ошириш, жумладан уларга қисқартирилган иш куни, ўзларига қулай график асосида ишлаш ҳуқуқини бериш, ҳомиладорлик отпускаси даврини ва болага қараш учун бериладиган отпуска даврини... кўпайтириш; ...хотин-қизлар учун сифатли моллар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни устун даражада ривожлантириш, уларни оғир ва саломатлик учун зарарли ишлардан озод қилиб қўйиш. Партия сиёсий ислоҳот доирасида хотин-қизлар раҳбарлик ишларига тағин ҳам кенгроқ жалб этилишига эришаверади...»

Буни хотин-қизларга юксак ғамхўрлик деб билиш мумкин. Муҳим ҳужжатда аёллар ҳақида алоҳида тўхталингани уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этибгина қолмай, балки жамият ва келажак олдидаги мавқеларини ҳам белгилайди. Коммунистик партия раҳбар куч сифатида майдонга чиқиб, мамлакатни бошқараётганидан бери бунга мунтазам эътибор бериб келди, қарорлар қабул қилди. Лекин афсуски, бу режалар кўпинча амалга ошмай, қуруқ ваъдага айланди.

Жумҳуриятимиздаги аҳволни олиб кўрайлик. Меҳнатсевар пахтакор опа-сингилларимизнинг кўпи ночор кун кечиришгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳаракат дастури лойиҳасидаги «уларга қисқартирилган иш куни, ўзларига қулай график асосида ишлаш ҳуқуқини бериш»ни далада ёки фермада ишловчи хотин-қизларимизга нисбатан қандай тадбиқ этиш мумкин? Ахир улар аксарият ҳолларда дам олиш кунисиз меҳнат қиладилар. Аёнлашадики, юқоридаги фикр айримларга, аниқроғи, вақтбай ишлайдиганларга тааллуқли. Таклифим, нафақат муҳокама бўлаётган, балки шунга ўхшаш ҳар қандай ҳужжатни турлича шароит ва имкониятни ҳисобга олиб қабул қилиш лозим. Шундагина уларнинг ҳаётийлиги, аниқлиги таъминланади.

Фермада иш бошлаганимга ўттиз йилдан ошди. Ҳалол касбни танлаганимдан хурсандман, унинг орқасидан ҳамкасбларим, ҳамқишлоқларим ўртасида ҳурмат топдим. Ленинчи партия сафига ўтганимга йигирма йилга яқинлашди. Айни пайтда пенсияда бўлишимга қарамай ишни давом эттираяпман. Бултур боқувимдаги 20 бош сигирдан 75 тонна сут соғдим. Ҳар говмишнинг ўртача маҳсулдорлиги мўлжалдагидан 120 килограмм оширилди. Жорий йилда қарамоғимдаги жониворларнинг ҳар биридан пландаги 2700 килограмм ўрнига 3000 килограммдан маҳсулот олиш ниятидаман.

Коллективда хотин-қизлар жами ўн икки, жумладан сигирсоғарлар ўн кишимиз. Шундан уч нафари коммунист. Ҳамма жойда уларнинг ўринлари доим сезилади: ишда ҳам, рўзғор тутишда ҳам кўпчиликка намуна. КПСС аъзоси Марьям Турлибекова — шуларнинг бири. У ўтган йили 18 бош сигирнинг ҳар қайсисидан 2.750 килограмм ўрнига 3.500 килограммдан сут соғдики, бу фермадаги энг юқори кўрсаткичлардан ҳисобланади. Шунингдек, Тўхта Нуроқова ҳам яхши натижаларга эришди.

Бизда беш-олти йил аввал билан бугуннинг ўртасида катта фарқ бор. Ҳозир ем, хашак етарли, говмишларнинг ҳаммаси қора-ола зотли. Ўзимиз наслдор ғунажинлар етиштириб, подани шулар ҳисобига тулдираяпмиз. Шу боисдан маҳсулдорлик ортмоқда. Агар уч-тўрт йил муқаддам ҳар сигирдан кунига кўпи билан 8,5 килограмм сут соғилган бўлса, эндиликда бу 14 килограммдан ошаяпти. Қишлов кезларида кунлик соғим ўртача 10—11 килограммдан камаймаётир. Илгари иш шароити оғир эди, айни кунда аҳвол ўзгача. Чорвадорларимиз баракали меҳнат қилишлари, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун қулайлик яратилган. Дам олиш, озодалик, ювиниш хоналари мавжуд. Молбоқарларга иссиқ овқат, сигирсоғарларга чой тайёрланади.

Маданий-маиший хизмат кўрсатиш яхши уюштирилган. Ҳузуримизга кўчма дўкон келади, район маданият уйининг санъаткорлари ташриф буюришади.

Ҳамкасбларим бундай ғамхўрликка жавобан ўзаро мусобақани қизитиб, ғайрат билан ишламоқдалар. Колхоз маъмурияти, партия ва касаба уюшма ташкилотлари меҳнат беллашувида ошкораликни таъминлашаяпти, ҳар ойда унга якун ясаб, илғорларни муносиб рағбатлантиришмоқда. Январда кўп ва сифатли сут соғишга эришган Арофат Зиёвутдинова, Робия Темирбекова ва Дурия Шакарбекова ғолиб деб топилиб, пул мукофоти билан тақдирланишди.

Халқимизда «Бўзчи белбоққа ёлчимас» деган нақл бор. Буни айтишимдан мақсад — ўлкамиз ноз-неъматлар макони ҳисобланса-да баъзан ундан ўзимиз қуруқ қолаяпмиз. Биз, чорвадорлар маҳсулот етиштиришни қанчалик кўпайтирмайлик, гўштни дўкон ёки бозордан қиммат нархда сотиб оламиз. Менимча, жумҳуриятимизнинг ҳамма жойида аҳвол шундай. Бироқ энди бунга барҳам бериш лозим. Ўтган йили бу борада арзимас иш қилдик: хўжалигимиз аъзоларига 12 тонна сут, сўйилган ҳолатдаги 10 тонна гўшт, 45 бош бузоқ, 93 бош қўй арзон баҳода сотилди. Меҳнаткашнинг ҳам косаси оқарсин, у фақат неъматлар етиштирувчигина эмас, балки истеъмолчиси ҳам бўлсин. Қайта қуриш, ўзлигини англаш даврида янгиланаётган партиядан умид ва тилагимиз шу.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БЎҒИН

Фагим АБДИЕВ,
ферма цех партия ташкилотининг котиби, ветеринария врачи.

«Партиявий омма бевосита ролининг оширилиши партиянинг асоси бўлган бошланғич ташкилотлар ҳуқуқларини кенгайтиришни тақозо қилади. Улар жорий пайтдаги вазифаларни ва конкрет шароитларни ҳисобга олиб, ўз структураси, фаолият программаси ва шакллари, йиғилишларни, сиёсий тадбирларни ўтказиш даврийлиги ва тартибига оид масалаларни ўзлари масъулият билан ҳал этиш... имкониятига эга бўлишлари керак».

Очиғи, бу жумлани ўқиб ҳам қувондим, ҳам ўйланиб қолдим. Хурсандчилигимнинг боиси — ниҳоят, юқори партия органлари бошланғич ташкилот асос, пойдевор эканлигини, уларга чинакамига, доимий эътибор зарурлигини чуқурроқ, теранроқ тушунибдилар. Энг қуйи бўғинлар мустақиллигини ошириш тўғрисидаги сатрлар шундан далолат беради. Айни пайтда бу ҳозирга қадар жуда кўп марта айтилган қуруқ гапларнинг, пуч ваъдаларнинг бири бўлиб қолмаслиги учун изчил курашмоқ даркор.

Цех партия ташкилотимиз ҳисобида 10 нафар коммунист бор. Шундан еттитаси фермада, қолганлари озуқа етиштириш соҳасида ишлашади. Гарчи жами чорвадорларнинг тўртдан бир қисмидан ҳам озроғини ташкил этишса-да, коллективда уларнинг ўрни ҳамиша сезилиб туради. Зеро, тармоқни янада ривожлантиришга, меҳнат ютуқларини кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

КПСС аъзоси касби, лавозимидан қатъий назар топшириқни сидқидилдан бажариши, ишда илғор, ташаббускор бўлиши керак. Унинг ҳуқуқи ва вазифаси шундан иборат. Маслакдошларим зиммадаги масъулиятни яхши билишади. Шу туфайли партия бошлаган инқилобий ўзгаришлар тезроқ ижобий самара беришига эришишга, ҳозирги шиддатли даврнинг олдинги сафларида боришга, жамият ҳаётини янгилашда бошқаларга ўрнак кўрсатишга интилишаётир.

Ферма коллективи қўлга киритаётган муваффақиятларда, тармоқни рентабелли даражага кўтаришда, шубҳасиз, цех партия ташкилотимизнинг улуши катта. Уч-тўрт йил аввал қишловнинг шу кезларида жамғарилган хашак тугаб, югур-югур бошланарди. Бир амаллаб топилган, фалон нархда сотиб олинган емиш билан зўрға кун ўтказилар, натижада сутнинг баракаси қочиб, маҳсулот қимматга тушарди. Коммунистлар таклифи билан озуқа етиштириш чорва бригадири назоратига ўтгач аҳвол тубдан ўзгарди. Эндиликда бурунгидек нафақат хашак миқдорига, балки унинг сифатига ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Колхоз маъмурияти кераклича, яъни ҳар йили 180—200 гектар ер ажратаяпти. Ундан унумли фойдаланиш, ҳосилдорлигини ошириш тўғрисида астойдил қайғураяпмизки, самараси яхши бўлаётир.

Мустаҳкам озуқа базаси зарбдор соҳани жадал юксалтириш имконини бермоқда. Кейинги йиллардаги кўрсаткичлар чакки эмас. Бултур маҳсулот етиштириш ва давлатга сотиш плани ортиғи билан адо этилди. 550 тонна ўрнига 619 тонна сут, 45 тонна ўрнига 114 тонна гўшт тайёрланди. Мўлжалдаги 180 ўрнига 211 бош соғлом бузоқ олинди. Ҳар говмишдан ўртача 3100 килограммдан ёки кўзда тутилганидан 350 килограмм зиёд сут соғилди, гўштга топширилган қорамолнинг тирик вазни 370 килограмм ўрнига 484 килограммга етказилди.

Хўжалик тармоқдан 170 минг сўм фойда кўрди. Сут, гўшт сотиш планлари ошириб уддаланганн ҳисобига заводдан ва давлатдан жами 44.700 сўм қўшимча пул олдик. Шундан 36 минг сўм ферма ходимларига тақсимлаб берилди.

Коммунист чорвадорларнинг умумишга қўшган ҳиссаси ҳам, моддий манфаатдорлиги ҳам салмоқли бўлди. Нишонбой Бегматов ўттиз йилдан бери шу ерда ишлаб келаётир, тажрибали, кекса партия аъзоси. Бир оиладан уч киши: ўзи, умр йўлдоши ва ўғли меҳнат қилишади. Улар бўғоз моллар ва бузоқларга қарашади. Ўтган йили 200 ўрнига 211 бош бузоқни соғлом парваришлашгани эвазига мукофотга бузоқ олишди.

Хўш, илгари цех партия ташкилоти қандай ҳуқуқларга эга эди? Тан олиш керакки, аҳвол мақтанарли эмасди. Яқин-яқинларгача ҳатто аъзоликка номзод танлаш ва тайёрлаш ҳам кўрсатма билан бўларди. Ҳаракат дастури лойиҳасида КПСС сафига қабул қилиш ҳуқуқини узил-кесил уларга бериш таклиф этилмоқда. Менимча, фақат бугина эмас, балки бошланғич ташкилотларнинг барча имкониятлари ва кафолатларини батафсилроқ кўрсатиш лозим. Бу борада уларнинг партия Уставида белгилаб қўйилган ҳуқуқларига амалда қатъий риоя қилиш муҳимдир.

Яна бир нарса хусусида тўхталмоқчиман. Қуйи бўғинларга алоҳида эътибор берилаётгани, мустақиллиги кучайтирилаётгани яхши. Лекин коммунист ёнидаги ҳамкасбига ишчанлик, ҳалоллик, ташаббускорлик хислатлари билан, цех партия ташкилоти ферма коллективига ғоявий-сиёсий ва тарғибот-ташвиқот ишлари билан таъсир ўтказмоқда. Амалий ёрдам кўрсатишда чўнтаги қуруқ, қўли калта. Партияни ислоҳ қилиш жараёнида аъзолик бадалларидан маълум қисми ҳисобига бошланғич ташкилот жамғармасини ташкил этиш кўзда тутилса уни меҳнат коллективининг бирон корига ишлатиш мумкин бўларди. Шунда қуйи бўғиннинг мавқеи шубҳасиз ошади.

ЭЪТИҚОДСИЗ ЯШАБ БЎЛМАЙДИ

Қосим ҚЎЧҚОРОВ,
механизатор, район партия комитетининг аъзоси.

«Инсонни амалда ижтимоий тараққиётнинг марказига қўйиш, унга муносиб турмуш ва меҳнат шароитини, ижтимоий адолатни, сиёсий эркинликни, шахснинг ҳар томонлама намоён топиши ва маънавий жиҳатдан юксалиши имкониятини таъминлашни партия ўзининг асосий мақсади деб билади».

Коммунистик партиянинг бутун фаолияти совет кишилари тинч ҳаётини таъминлаш, турмуш фаровонлигини оширишга, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинларини муҳофаза этишга қаратилган. Съездолди муҳим ҳужжатида бунга алоҳида бўлим бағишланганн бежиз эмас.

«Инсон — партия сиёсатининг марказида». Ҳаракат дастури лойиҳасининг мазкур қисми билан синчиклаб танишгач, чиндан ҳам бу масалага катта эътибор берилганлигига ишонч ҳосил қилдим. Унда КПСС граждан шахси ва қадр-қимматини, меҳнат қилиш, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларини, ижод этиш, виждон ҳамда диний эътиқод эркинликларини ва ҳоказоларни қатъий ҳимоя қилаверишни таъкидланган.

Режалар, ниятлар яхши. Бироқ инсонга эътибор деган қачонги гап! Ҳозиргача уни амалга оширишдан кўра такрорлаш кўп бўлди, натижада таъсирчанлиги камайди. Кейинги ўн йилликлар кўрсатдики, буйруқбозлик, расмиятчилик билан узоқ яшаш мумкин эмас. Шунинг учун бундан буён ваъдалар, қарорлар озроқ, амалий ишлар кўпроқ бўлишини истардим. Партия шундай йўл-йўриқлар белгиласаки, у ҳақиқатан тўлиқ рўёбга чиқсин. Ҳаммага аён, 1982 йилда СССР Озиқ-овқат программаси ишлаб чиқилганди. Мўлжаллантан давр тугади, лекин мамлакатга, одамларга нима берди? Иқтисодиёт ночор, озиқ-овқат таъминоти масаласи чатоқ. Пештахта бўш, бозор қиммат. Биз қарорларнинг натижаларини ҳадеганда суриштиравермаймиз. Менимча, планлар белгилаш, кўрсатмалар қабул қилиш ижроси билан муҳим эканлигини унутмаслик лозим.

1960 йилдан бери механизаторман. Партия сафига ўтганимга йигирма йил бўлаяпти. Ишда ҳам, коммунист сифатида ҳам етарли тажрибам бор. Ҳозир культиватор тракторини минаяпман. Бригадаларда экинларга ишлов беришда қатнашаман. Бугунги шароитда КПСС аъзоси оғир участкаларда масъулиятни ўз зиммасига олиши, алоҳида ўрнак кўрсатиши кераклигини яхши англаб турибман. У шундай кезларда партия ва халққа содиқлик, икки-уч карра ғайрат билан хизмат қилиши зарур.

Инсон ихлос, эътиқодсиз яшай олмайди. Омманинг партияга ишончини мустаҳкамлаш аввало партиянинг инсонпарварлигига, сўнгра ҳар бир маслакдошимизнинг шахсий намунасига боғлиқ. Айни пайтда КПСС шаънига билдирилаётган таъналар, отилаётган тошлар ҳеч бир коммунистни лоқайд қолдирмаслиги, партиявий виждонни тинч қўймаслиги лозим. Хатоларни мардларча тан олишга, дарҳол тузатишга ва такрорланишига йўл қўймасликка ўрганишимиз керак.

Ҳаракат дастури лойиҳасида иқтисодиётни соғломлаштириш, нарх-навони барқарорлаштиришга доир фикр айтилган. Жумҳуриятимиз меҳнаткашлари пешона тери эвазига етиштирган ноз-неъматларга шу вақтгача арзимас ҳақ тўлаб келингани эндиликда сир эмас. Бу меҳнатни муносиб баҳоламаслик, деган гап. Коммунистик партия ҳозирги жараёнларда ҳукмронлик ва устунлик мавқеини сақлаши учун бундай ишларга ҳаққоний ва одил баҳо бермоғи зарур. Пахта, пилла, сабзавот ва мевалар харид нархини оширишни пайсалга солмай ҳал этиш лозим.

Муҳокама қилинаётган ҳужжатда бошланғич ташкилотлар мавқеини кўтариш, коммунистлар фикрини тинглаш жуда тўғри таъкидланган. Назаримда партия қурилишини, унинг доирасида бажариладиган ишларни, айтайлик, КПСС аъзолари ҳисоботини эшитишни янгича, қайта қуриш талаби билан синчиклаб кўриб чиқиш фурсати етди.

САФЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

Хайрулла МАЛИЛОВ,
колхоз партия комитетининг секретари.

«Партиянинг ўзи тубдан қайта қурилмаса, у пешқадамлик позициясини сақлаб қола олмайди. Ўзи бошлаган ва халқ қўллаб қувватлаган ишни мана шу кескин бурилиш даврида давом эттира олмайди».

Ленинча таълимот — танқид ва ўз-ўзини танқид асосига қуйидан марказгача бўлган барча бўғинларда бир хил амал қилмаслик қандай оқибатлар келтириб чиқаришининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Мен бу ўринда партиянинг республика, союз раҳбариятларини назарда тутаяпман. Ҳар қандай танқидга, агар у соғлом ва фойдали бўлса, қулоқ солинмоғи лозим.

Ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларини инқилобий тарзда янгилаш кишиларга қанчалик умид, ишонч уйғотса, бошқа бир нарса шунчалик ташвишлантирди: янгиланаётган жамиятни, гарчи унинг ижодкори бўлса-да, ўзини қайта қурмаётган партия билан бошқариш мумкинми?!

Ниҳоят, бироз кечикиб шу оддий ҳақиқат тан олинди. Менимча, кечаги кун, бугун ва эрта учун бутун масъулият ҳамда жавобгарликни айрим кишилар эмас, балки партия зиммасига олиши зарур эди. У камчиликларни вақтида, рўй-рост эътироф этса обрўсига зинҳор путур етмайди, аксинча омманинг ўзига ихлосини оширади. Зеро, халқнинг ишончини йўқотмаслик, ташаббусни қўлдан бермаслик бениҳоя муҳимдир.

Партияни ислоҳ қилиш, тубдан қайта қуриш ҳақида гап борар экан, унинг мавқеи озми-кўпми пасайганлиги сабабларига, йўл қўйилган хатоларга одил баҳо берилмоғи лозим. Назаримда, ҳаракат дастури лойиҳасида бу ҳақда жуда кам, тушунарсиз, чамаси, бир ёқлама гапириб ўтилган. Ҳолбуки бунга очиқ-ойдин, батафсил тўхталиш керак эдики, келгусида, айтайлик, сафларни жўшқин кучлар билан мустаҳкамлашда у беқиёс аҳамият касб этарди.

Шу хусусда ўз мулоҳазамни айтмоқчиман. Турғунлик даврида бўлар-бўлмасга партиявийлик суриштирилганлиги одамларда хато тасаввур пайдо қилди. КПСС сафига чинакам виждонли, ташаббускор кишилар билан бир қаторда субутсиз, ўз шахсий манфаатини кўзловчи шахслар ҳам кириб қолдилар. Айни шулар кейинчалик коммунистик эътиқодга доғ туширдилар, партиянинг шаънини, сафлигига путур етказишди. Шунингдек, илгари баъзилар кўрсатма билан, яъни кўр-кўрона қабул қилингани ҳам панд берди.

Демак, сафларимни соғломлаштириш, имони бутун, сўзида собит, юксак номга муносиб кишилар билан тўлдириш бугуннинг энг асосий, долзарб вазифасидир. Номзод танлаш ҳуқуқи бошланғич ташкилотларга берилгани оқилона иш бўлди. Бу билан секретарнинг ва КПСС оддий аъзоларининг масъулияти ошди. Чунки илгари қуйи бўғинлар таклифи, бирга ишловчи коммунистлар фикри эътиборга олинмасди. Партияга қабул қилишдаги янгилик тез орада ўз ижобий таъсирини кўрсатади, албатта.

Колхоз партия ташкилоти ҳисобида 145 коммунист ва бир нафар аъзоликка номзод бор. Шундан 96 кафари бевосита ишлаб чиқаришда қатнашади. Партком уларнинг ижтимоий фойдали меҳнатдаги иштирокини кенгайтиришга, фаоллигини оширишга мунтазам эътибор бераётир. Мажлисларга ҳозирлик кўришда, масалалар тайёрлашда аъзолар кенг жалб этилмоқда, белгиланган муддатларда уларнинг ҳисоботлари тингланмоқда.

Ҳаракат дастури лойиҳасида бошланғич ташкилотлар хусусида алоҳида тўхталинганидан хурсанд бўлдим. Уларнинг ҳатто Уставдаги ҳуқуқлари ҳам амалда чеклангандн. Эндиликда эса бу тикланибгина қолмай, балки партия қурилишининг баъзи масалаларида мустақилликлари оширилмоқда. Айни пайтда қуйи бўғинларнинг ва ташкилотчиларининг жамият ҳаётидаги мавқеи ортади.

Бизда 11 та цех партия ташкилоти мавжуд. Ҳар қайсисининг меҳнат коллективида ўз ўрни бор. Боиси — уларга уюшган коммунистлар ҳар томонлама бошқаларга ўрнак. Партком улардан ўз ёрдамини аямаётир, мажлисларини ўтказишда қўйилган масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишда бош-қош.

Муҳокама этилаётган ҳужжатда конференциялар ва съездларга делегатлар, мазкур анжуманларда эса биринчи секретарларни муқобиллик асосида сайлаш хусусидаги таклифлар диққатга лойиқ. Партия мамлакатда ошкораликни қарор топтиришнинг ташаббускори бўлди, ўзида ҳам шунга амал қилиши керак. Унинг юқори органларида қуйи ташкилотлардан вакиллар бўлса янада яхши. Юқори ташкилотлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда, шубҳасиз, уларнинг ёрдами тегади.

Юқорида сафларимизни мустаҳкамлаш ҳақида тўхталдим. Партияни ислоҳ қилиш тўғрисида гап-сўзлар бўлаётган бир пайтда коммунист ўзлигини чуқурроқ англаши муҳим. Шу мақсадда ҳисобимиздаги КПСС аъзоларини ҳар томонлама синовдан — аттестациядан ўтказаяпмиз. Ҳозиргача кўзда тутилган коммунистларнинг 60 фоизи ундан ўтди, ҳаммаси ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук эканлигини, айни пайтда масъулиятни чуқур тушуниб турганлигини кўрсатди.

Улкан анжуманга қизғин тайёргарлик кўрилаётган экан, бир таклиф айтмоқчиман: бошланғич ташкилотлар мустақиллиги ва ҳуқуқларини ошириш доирасида уларга аъзолик бадалларидан бирмунча кўпроқ ажратилса. Ҳақиқий аҳвол қуйидагича: колхоз партия комитети ихтиёрига йилига уч фоизи қолади. Бу бизнинг хўжалик шароитида 150 сўм атрофида бўлади. Агар у цех партия ташкилотларига тақсимланса 13—14 сўмдан тушади. Шунинг учун кўпроқ маблағ берилса жиддийроқ тадбирларни бажариш мумкин.

**Давра суҳбатини ёзиб олувчи:
Э. ИБРОҲИМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

САНОАТНИНГ ҚИШЛОҚДАГИ ОДИМЛАРИ

ЁЗЁВОН АТЛАСИ

Кекса уста Суярхон ота Исаев ташаббуси билан ташкил этилган «Ипакчи» кооперативи ҳунармандлари ўз маҳсулотларини харидорларга ҳавола қилдилар. Ёзёвонда тўқилган «Кремль», «Шахмат», «Товус» сингари симли хонатласларни «Марғилонникидан қолишмайди», деб мақташмоқда. Ял-ял товланиб турган бу газламалар яроқсизга чиқарилган пилладан тайёрланганлигига ишониш қийин. Кооператив хом ашёга муҳтожлик сезмайди. Биргина районнинг ўзида ҳар йили ана шундай 10 тонна пилла сурилиб қолади. Область бўйича эса бу катта салмоқни ташкил қилади. Илгари бундай хом ашё арзимаган нархда чет элга сотиларди. Энди кооператорлар шу ернинг ўзида фойдаланишаяпти.

Янги уюшманинг ташкил этилганига ҳали кўп бўлганқ йўқ. Ҳозир унда 50 киши меҳнат қилмоқда. Жумладан, 30 нафари хотин-қизлардир. Ускуна масалалари ҳам муаммо эмас. Уларни кооператорларнинг ўзлари тайёрлашмоқда. Келажакда дастгоҳларни янада кўпайтириш режалаштирилаяпти. Бу эса касаначилик соҳасини кенгайтириш имконини беради

Тўқимачиликнинг кўҳна ҳунарига кооперативнинг ўзида ўргатишаяпти. Мураббий усталар Турсунбой Мамажонов, Норимжон Қозоқов ёшларга ўз касблари сирларини меҳр билан уқтиришмоқда.

Ширкатчиларнинг режалари улкан. Келажакда цехлар янада кенгаяди. Бунинг учун район Совети ижроия комитети ер ажратди. Камида 1.000 киши ишлайдиган корхона қад ростлайди. Бахмал ва беқасам тўқиш дастгоҳлари ўрнатилади. Ҳозирдаёқ Москвадаги завод ва фабрикалар билан шартномалар тузилди. Корхонанинг кенгайиши ёзёвонликларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

А. МАДРАҲИМОВ.

ЯНГИ ҒИШТ ЗАВОДЛАРИ

Баликчи районидаги К. Маркс номли колхозда ва М. Горький номли совхозда янги ғишт заводлари қурилиб, ишга туширилди. Меҳнаткашлар илгари шундай қурилиш материалини Андижон, Наманган ва Фарғона шаҳарларидан келтиришарди. Маҳсулот таннархи нисбатан паст бўлганлиги туфайли аҳолига сотилаётган ғиштнинг нархи ҳам анча арзон. Бу қулайлик қишлоқ меҳнаткашларини ғоят хурсанд этаяпти.

С. ЙИГИТАЛИЕВ.

КОРХОНА ҚУВВАТИ ОШДИ

Шаҳрихон сут заводи шаҳардаги кенжа корхона ҳисобланади. Яқинда бу ерда янги қувватлар фойдаланишга топширилди. Механизациялашган 125-кўчма колоннанинг Усубжон Мамажонов, Тўйчибой Зуҳриддинов, Адҳамжон Исоқов етакчилигидаги бригадалари 2 миллион 131 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини адо этдилар. ГДР ва Иттифоқимизда ишлаб чиқарилган ускуналар билан жиҳозланган цехда Москва, Бўз, Балиқчи ва Комсомолобод районлари хўжаликларидан келтирилган сут қайта ишланиб, сариёғ олинаяпти.

— Технологияга мувофиқ хом ашёнинг қолган қисмидан сут уни тайёрлаяпмиз. — дейди цех бошлиғи Рустамжон Умаров. — Бундай маҳсулот Андижон области паррандачилик фабрикаларига озуқа сифатида юборилмоқда.

Ғ. ПАРПИЕВ.

Самарқанд паррандачилик бирлашмасининг тармоқлари тобора кенгайиб бормоқда. Янги бўлинмаларнинг вужудга келтирилаётганлиги меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишда муҳим аҳамият касб этаяпти. Мавжуда Фармонова бирлашманинг биринчи паррандахонасида фидокорона меҳнат қилиб, ўз қарамоғидаги товуқлардан кунига минг донага етказиб тухум олишга муваффақ бўлмоқда. У ўзаро социалистик мусобақада пешқадам. Жамоатчи мухбиримиз Н. ШАРИПОВ олган ушбу суратда моҳир товуқбоқар М. Фармонованн кўриб турибсиз.

ЎЛКАМИЗ БОҒ-РОҒЛАРГА БУРКАНСИН

КЎЧАТ ЭКИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИККИ ОЙЛИГИ

Ота-боболаримиз қадимдан боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланиб келишган. Уларнинг бой тажрибаси туфайли оламга машҳур навлар яратилган. Узумнинг пушти тоифи, оқ тоифи, ҳусайни, келинбармоқ, соҳиби, каттақўрғон, нимранг, оқ ва қора кишмиш, паркати; ўрикнинг ҳурмои, субҳони, мирсанжали, исфарак, бобои, бодоми, арзоми; анорнинг қозоқи, қизил пўчоқ, қизил аччиқ дона (туя тиш); анжирнинг Ўзбекистон сариқ анжири; ёнғоқнинг юпқа пўчоқ, бўстонлиқ, дурагай, идеал, пионер, панфиловчи; бодомнинг консой, угам, чидамли, қиличсимон; олманинг Тошкент боровинкаси, Самарқанд, жонақи, қози дастархони, оқ олма, Наманган; нокнинг Тошкент нашватиси, любимица клаппа, ўрмон гўзали, оливье де серр навлари шулар жумласидан.

Сўнгги йилларда чатиштириш ва танлаб олиш ҳисобига янги-янги навлар етиштирилди, йирик боғлар ва токзорлар барпо этилди, мева ҳамда узум етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар ташкил қилинди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг тоғ, тоғолди зоналарида асосан ёнғоқ, бодом, писта, узум, дўлана, Тошкент вилоятида узум, олма, нок, Самарқандда кишмишнинг етмиш фоизи етиштирилмоқда. Фарғона водийсининг тошлоқ ерларида туршакбоп ўрик навлари, жанубий минтақаларда эса кўплаб анор, анжир, хурмо, бодом ўстирилаяпти. Айниқса, Сурхондарёнинг анори ва анжири, Самарқанднинг кишмиши ширинлиги, серқандлиги, мазаси билан ажралиб туради. Бир килограмм кишмиш таркибида 3500—4000 калория қувват борлигини эслатиш кифоя.

Умуман жумҳуриятимиз ҳамма вилоятларининг тупроқ ва иқлим шароити ширин-шакар мева, узум ҳамда резавор етиштиришга мос бўлиб, йил давомида аҳоли ва қайта ишлаш корхоналари эҳтиёжини тўлиқ қондириш имконига эга. Масалан, май ойининг бошида қулупнай, гилоснинг эртаги баҳор, апрелка, ўрикнинг боғишамол навлари, июнь-июлда узум, олма, тоғолча, шафтоли, сўнгра кузги-қишки мевалар кетма-кет пишиб етилади. Ноябрнинг биринчи ярмигача токларда узумни ушлаб туриш мумкин. Сентябрь—октябрда йиғиштириб олинган кечки олма, нок, беҳи, узум, анор махсус биноларда сақланса, уларнинг сифати келгуси йил май ойигача бузилмайди.

Ҳозир жумҳуриятимизда 350 минг гектардан зиёд боғ ва токзорлар мавжуд бўлиб, гектар ҳисобига 35—40 центнер мева, 62—70 центнер узум олинмоқда. Агар йил мобайнида бир киши 93—100 килограмм мева ва узум истеъмол қилиши ҳисобга олинса, бу миқдор унинг 50 фоизини ташкил этади. Тўғри, ихтисослаштирилган колхозлар ва совхозларда ҳар гектар майдондан 120—200 центнер узум, 100—120 центнер мева етиштирилаяпти. Бир центнер боғ ва токзор неъмати олишга 10—14 сўм сарфланмоқда. Механизациядан фойдаланиш даражаси эса 60—70 фоизга тенг. Лекин бошқа хўжаликларда оғир қўл меҳнати ҳукм сураётгани, касаллик ва зараркунандаларга қарши илмий асосда кураш олиб борилмаётгани туфайли ҳосилнинг кўп қисми нобуд бўлаётир.

Гарчи кейинги йилларда боғ ва токзорлар майдони кенгайтирилган бўлса-да, мева ҳамда узум етиштириш ҳажми, юқорида таъкидланганидек, талабга тўлиқ жавоб бермайди. Озиқ-овқат программасига мувофиқ фан ютуқлари, илғорлар тажрибасини кенг жорий қилиш ҳисобига мева ва узум етиштиришни 1,5—2 марта ошириш, бунинг учун пахтадан бўшаган ерларда ҳамда томорқа участкаларида янги боғ ва токзорлар барпо этиш режалаштирилган. Шу мақсадда колхозчиларга, совхоз ишчиларига ер ажратиб берилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида мевали ва манзарали ниҳоллар экиш, токзорлар ва ўрмонлар барпо этиш икки ойлигига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари боғ ва токзорларда технологик жараёнларни ўз вақтида ўтказиб, мўл ва сифатли мева ҳамда узум етиштириш билан бир қаторда барча вилоятларда 20 минг гектардан кўпроқ ерда янги мевазор, узумзорлар барпо этиш, айни пайтда кўплаб манзарали дарахт кўчатлари, гуллар экиб, янги-янги хиёбонлар яратиш, томорқа участкаларига, кўча ёқаларига, мактаб, шифохона, завод, фабрика, боғча ва корхона территориясидаги бўш ерларга мева, ток ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтказиш юзасидан жумҳурият аҳолисига мурожаатнома қабул қилдилар. Ҳақиқатан бу соҳада кўп иш қилинганига қарамасдан, ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Биз ўлкамизни қанчалик яшил либосга буркасак, ҳавомиз шунчалик мусаффо бўлади, мева-чева кўпаяди, бу билан одамларнинг нормал ишлашларини, дам олишларини таъминлаган бўламиз.

Далилларга мурожаат қилайлик. Кўкаламзорлаштирилган жойларнинг бир куб метр ҳавосида 490 дона бактерия борлиги аниқланган. Бу кўрсаткич катта шаҳарларда 36.000 донани ташкил этади. Бир туп катта ёшдаги мевали дарахт кунига 8 килограмм кислород ажратади. Саноат шаҳарларида ҳар ойда 100 квадрат метрга ҳаводан тушадиган чанг миқдори бир килограммни ташкил қилса, кўкаламзорлаштирилган ерда 300 граммдан ошмайди. Бир гектар кўкаламзор кунига 150 килограмм чангни тозалаб, зарарли газ миқдорини 2,5 марта камайтиради. Ёз даврида дарахтзорлар тагида ҳарорат 6—10 даража паст бўлади, ҳаво намлиги эса 30—40 фоиз ошади. Бундан ташқари, мевали ва манзарали дарахтлар шаҳару қишлоқларнинг ҳуснига ҳусн қўшади, қишлоқ хўжалиги экинларини шамолдан сақлайди.

Ҳар йили баҳор фаслида миллионлаб туп кўчат ўтказилади. Лекин унинг 100 фоиз кўкаришини таъминлашга етарли аҳамият берилмайди. Натижада ниҳолларнинг 40—50 фоизи сувсизликдан, парваришнинг ёмонлигидан қуриб кетмоқда. Бунинг олдини олиш мумкинми?

МЕВАЛИ ВА ТОК КЎЧАТЛАРИНИНГ ОЗИҚ МАЙДОНИ. Бир ерда қандай пайвандтагларда ўстирилганлигига қараб олма дарахти 25—46—50, ток 50—60, ёнғоқ 80—100 йилгача яшайди ва кўп миқдорда ҳосил беради.

Мевали дарахтларнинг эмин-эркин ривожланиши, барвақт ҳосилга киришини таъминлаш учун ҳар зонанинг тупроқ шароити, ниҳолларнинг қанақа системада ўстирилишига қараб озиқ майдони ажратилади. Шундай қилинганда ердан кўп йил давомида оқилона фойдаланилади. Зеро, озиқ майдони — ҳар бир дарахт ва ток тупининг нормал ўсишига мос ер белгилаш демани. Масалан, кучли ўсувчи ёнғоқнинг қатор ораси 10—12, туплар ораси 6—10 метр бўлиши керак. Шунда келгусида битта ёнғоқ дарахти ўсиш кучига монанд 48—120 квадрат метр озиқ майдонини эгаллайди. Ток кўчатлари 3х2,5 метр схемасида экилса, қатор ораси 3, туплар ораси эса 2,5 метр бўлади. Тошлоқ, қум, яъни унумсиз тупроқли бир гектар ерга 3х2, 2,5х2 метр схемаларида 1660—2000 туп ток ниҳоли ўтказилади. Олма навлари парадизка типидаги пайвандтагга пайванд қилиб, пальметта (яссисимон) системасида экилганда, қатор ораси 3,5, туплар ораси эса 2,5 метр қолдирилади. Нок, ўрик, гилосни 8х7, 8х6, 8х5, шафтоли, йирик мевали тоғолча, олхўри, олча, чилонжийдани 6х4, 5х4, бодом ва хурмони 8х6, 7х6 метр схемаларида экиш тавсия этилади.

Томорқа участкаларида кучли пайвандтагларда етиштирилган мевали кўчатларни жойлаштириш бироз бошқачароқ бўлади. Масалан, шу усулдаги олма ниҳоли 8х8 метр схемасида экилганда, у ўзига тегишли озиқ майдонини 8—10 йил ичида тўлиқ эгаллайди. Бу даврда ердан унумли фойдаланиш мақсадида олма дарахтларининг орасига барвақт ҳосилга кирадиган шафтоли ниҳоллари экилса, ҳар туп олма ва шафтолининг озиқ майдони 32 квадрат метрни ташкил этади. Агар олмазорнинг ҳам қатор орасига, ҳам туплар орасига эртаги, ўрта ва кечки шафтоли кўчатлари ўтказилса, бу кўрсаткич 16 квадрат метрга тенг бўлади.

Шафтоли иккинчи-учинчи йиллардан бошлаб ҳосилга киради, 10-йилга келганда ҳосилдан қола бошлайди. Шу муддатда баланд бўйли олма дарахтлари ўзига тегишли озиқ майдонини тўлиқ эгаллайди, мўл неъмат беради.

Олма, нок навларини экишда албатта 10—15 фоизини эртагисидан, шунча фоизини ўртакисидан, 70—80 фоизини кечкисидан танлаш керак. Шунда аҳолининг ва қайта ишлаш корхоналарининг мевага бўлган талабларини узоқ муддат бир меъёрда таъминлаш имкони туғилади. Узум навларини жойлаштиришда ҳам мана шу қоидага қатъий риоя қилиш лозим. Бу усулнинг афзаллиги яна шундаки, мева ва узум навларининг бири иккинчисини яхши чанглайди, мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратади.

Боғ ва токзорларни барпо қилишдан олдин ер танлаш, уни яхшилаб тайёрлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

ЕРНИ ТАЙЁРЛАШ. Жумҳуриятимизда бўз тупроқли, ер ости суви яқин жойлашган, таркибида хлор, сульфат ва сода тузлари бўлган ерлар 50 фоизни ташкил этади. Бундай майдонлар органик ва минерал ўғитлар билан бойитилади, сизот сувини 2—3 метр пасайтириш учун коллектор-дренажлар барпо этилади, шўр обдон ювилади. Тошлоқ, енгил қумлоқли ва бўз тупроқли пайкаллар яхшилаб текислангандан кейин гектар ҳисобига 30—40 тонна органик ўғитга 200 килограммдан фосфор ва калий аралаштирилиб бир текис сепилади, ер 40—50 сантиметр чуқурликда ҳайдалади. Орадан 1,5—2 ой ўтгач, тупроқ қатлами қисман зичланадики, бу кўчат экишнинг қулай муддати бошланганидан дарак беради.

Тупроқ таркибининг таъсир этиш даражасига кўра мевали дарахтлар ва резавор ўсимликлар уч гуруҳга бўлинади: нордон ва сал нордон (pH 4,6—5,7) тупроқларда резавор мевали, сал нордон ва нейтрал (pH 6—7) тупроқларда уруғли, сал ишқорлиларида данакли, айниқса ўрик, уруғлилардан — беҳи яхши ўсади.

Жумҳуриятимизда енгил ва ўртача механик таркибли суғориладиган бўз, шунингдек, ўтлоқ тупроқлар энг яхши тупроқ ҳисобланади.

Энг унумдор ва сув билан етарли таъминланган ана шундай майдонлар вегетатив пайвандтагларда етиштирилган кўчатлар учун ажратилади.

Ерга минерал ўғитлар аралаштириб солиш билан бирга уни чуқур ҳайдаш ёш ниҳолларнинг ўсиши ва ривожланишига, қатор ораларига экилган бошқа хил экинлардан юқори ҳосил олишга ёрдам беради.

Тоғ зоналарида ер экиш олдидан 50—60 сантиметр чуқурликда ҳайдалади, бу кўп нам тўплашни, унинг тўғри сарфланишини таъминлайди. Қиялиги 8 даражали тоғ ёнбағирларида 3—5 метрли пиллапоя қолдирилиб, ер ағдарма плугда ҳайдалади, тупроқ экишга тайёрланади. Қиялиги 18 даражадан ортиқ ёнбағирларда тескари қиялиги 3—4 даража, эни 4—5 метр бўлган пиллапоялар бунёд этилади.

Олмазорлар қияликларнинг барча томонида, денгиз сатҳидан 900—1300 метр баландликда (Ўзбекистоннинг жанубий областлари учун), ўрикзорлар қияликларнинг шимолий, ғарбий ва жанубий томонларида, денгиз сатҳидан 800—1300 (жанубий областларда 800—1500), олхўризорлар денгиз сатҳидан 900—1300 (жанубий областлар учун 1000—1500), тоғолчазорлар шимолий ва шарқий томонда, денгиз сатҳидан 800—1400 (жанубий областлар учун 1000—1500) метр баландликда барпо этилади. Лалмикор ерга экилган кўчатлар тупроғи доимо юмшоқ сақланади; кузда 35—40 сантиметр чуқурликда 2—3 марта ҳайдалиб, ёмғир мавсуми тугагач, тупроққа кузгача тегилмайди.

КЎЧАТ ЭКИШ. Участка режалаб бўлингач, кўчат экиш учун чуқурлар қазишга киришилади. Бу иш тракторга тиркалган КЯУ-100 ёки КРК-60 мосламаси билан амалга оширилади. Чуқурлар 60Х60, 70Х70 сантиметр ҳажмида қазилади. Тошлоқ ва кам унумли ерларда бу кўрсаткич 100х60 сантиметр бўлгани маъқул.

Кўчат экишдан олдин диққат билан кўздан кечирилади, илдизи гўнг билан тупроқ аралаштириб тайёрланган аталага ботириб олинади, экиш тахтачаси ёрдамида ўтказилади. Экишда чуқурнинг устки қисмидаги тупроқ унинг пастки қисмига ташланади. Илдиз бўғзи ердан 4—5 сантиметр баландроқ қолдирилиб, танасининг атрофига тупроқ уюлади. Сўнгра ниҳоллар дарҳол суғорилади. Бунинг учун туплардан 30—40 сантиметр олисда ариқлар олинади.

ЁШ КЎЧАТЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ. Ниҳолларнинг тутиб кетиши, жадал ўсиши учун биринчи йили 8—10 марта, тошлоқ ерларда эса ёз давомида 16—20 мартагача сув берилади. Суғориш муддатлари қуйидагича: апрель, май, июнда икки мартадан, июль—августда 3—4, сентябрда бир мартадан.

Ҳар сувдан кейин эгатлар КСЛ-5 культиватори билан юмшатилади. Умуман бу юмуш мавсум давомида 8—12 сантиметр чуқурликда уч-тўрт марта амалга оширилади. Кўчатларни қуёш нури қиздириб юборишдан, қишда ҳарорат кескин ўзгаришининг зарарли таъсиридан сақлаш мақсадида уларнинг танаси икки қисм сўндирилган оҳакка бир қисм тупроқ қўшиб тайёрланган эритма билан баҳор ва кузда оқланади.

Баҳорда ҳар бир ёш дарахтнинг ҳолати кўздан кечирилиб, боғ таъмирланади: тутмаган ва касал ниҳоллар олиб ташланади, уларнинг ўрнига шу навга мансуб соғлом кўчатлар ўтказилади.

Ток кўчатини баҳорда куртак уйғонгунча эккан маъқул. Ниҳолларга экиш олдидан шакл берилади: унинг устки қисмидаги илдизлар олиб ташланади, пасткилари эса бироз қисқартирилади, энг яхши ривожланган ва қулай жойлашган бир-икки новдада икки-учтадан кўз қолдирилади. Кўчат яхши тутиши учун унинг илдизлари тупроқ ва чириган гўнгдан тайёрланган аталага ботириб олинади.

Ток кўчатлари НЮ-19, МПС-1 машиналари ёрдамида экилади. Булар бўлмаса, КЯУ-100 ёки КРК-60 мосламалари билан чуқурлар тайёрланади. Унинг катталиги 50х50 сантиметр бўлиши керак.

Ток кўчатлари экилгач, дарҳол пешма-пеш 2 марта, сўнгра апрель — август ойларида яна шунча мартадан суғорилади. Тошлоқ ерларда эса 1,5—2 марта кўпроқ оби ҳаётга қондирилади. Ерда намни сақлаш мақсадида сувдан кейин ер етилиши биланоқ культивация ўтказилади.

МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРНИ БУТАШ ВА ШАКЛ БЕРИШ. Олма, нок, олхўри дарахтларига сийраклаштирилган ярусли, шафтолига эса косасимон шакл берилади. Кейинги йилларда пакана олма ва нок кўчатлари симбағазларга боғлаб ўстирилмоқда. Бундай боғлар кўпроқ ихтисослаштирилган мева ва узумчилик совхозларида учрайди. Бир яшар олма кўчатида камида 3 ёки 4 та новда қолдирилиши керак. Ҳар бирининг бурчаги 45—50 даража бўлиши лозим. Янги экилган ниҳолларнинг ён новдалари 50—60 фоиз қисқартирилади. Шу билан бирга бош новда 30—35 сантиметр баландроқ кесилади. Бу—ёш дарахтнинг иккинчи ярусини ташкил этади. Катта ёшдаги яхши шаклланган олма дарахтларида 6—7 та онашох бўлиши шарт. Улар бақувват бўлса, 300—500 килограмм ва ҳатто ундан кўпроқ ҳосил беради. Мевали дарахтларни қирқишда, тўғри шакл беришда ҳосилли шохларни ҳосилсизларидан яхши ажрата билиш лозим. Масалан, олмада ҳалқали, найзасимон ва чивиқсимон шохлар бўлса, ўрик, гилос, олчада букетлиси кўп учрайди. Ҳалқали шохчалар кўпайиб кетса, олма иккинчи йили ҳосил бермаслиги мумкин. Бу солкашлик деб аталади. У бир йиллик новдаларни ўстирмай қўяди. Шунинг учун бундай новдаларнинг узунлиги 35—45 сантиметр бўлиши керак. Агар улар 15—20 сантиметрга тушиб қолса, катта ёшдаги онашохларга тақаб қирқилади. Бу билан уйқуда ётган куртакларни уйғотиш ҳисобига янги шохлар пайдо қилинади, яъни шох-шаббалар бирмунча ёшартирилади.

Мевали дарахтларни қайси даврда кесган маъқул? Бу юмушни февраль ойининг ярмидан бошлаб куртак бўртгунга қадар ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун албатта ҳаво илиқ бўлиши лозим.

Дарахтларни кесишда танадан ва илдиз бўғзидан ўсиб чиққан новдалар йилига олиб турилади. Айниқса, олчага уланган гилос ва маданий олча ниҳоли атрофидан кўплаб бачкилар ўсиб чиқадики, бунинг олдини олиш учун боғни камида 2—3 марта тозалашга тўғри келади.

Буташда ўткир боғ қайчиси, қўл арра, енгил ёғочдан ёки алюминийдан ишланган нарвонлар ишлатилади. Уни ердан туриб ҳам ўтказиш мумкин. Бунда 1,5—2 метрли айри новдалардан фойдаланилади. Яъни новда ва шохлар аста-секин эгиб қирқилади.

Дарахтлар бир неча йил кесилмаса, уларнинг шох-шаббалари ҳаддан ташқари қалинлашиб кетади. Натижада қуёш нури мевага бир текис тушмайди, у рангсиз, қандсиз, бемаза бўлиб қолади. Шунинг учун шох-шаббаларни тартибга солишни ҳар 2—3 йилда ўтказиш яхши самара беради.

ҚАТОР ОРАЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ. Янги барпо этилган боғларда дарахтларнинг шох-шаббалари туташиб кетгунга қадар қатор ораларига сабзавот, полиз экинлари, картошка, чигит, беда экилади. Сўнггиси айниқса тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилайди. Бу экинни кўпроқ шўр ерларга экиш тавсия қилинади.

Қатор ораларига кечки сабзавот, картошка, лавлаги ва бошқа экинлар экиш ярамайди. Чунки улар дарахтларнинг ўсиш муддати, шох-шаббаларнинг етилишини кечиктириб юборади.

Боғ қатор оралари доимо шудгорланган, бегона ўтлардан тозаланган ҳолда сақланиши керак. Улар ҳар кузда 25—30 сантиметр чуқурликда юмшатилади. Бунда бегона ўтлар ҳам бирйўла йўқотилади.

Токларни очишга ҳавонинг қанақа келишига қараб март ойининг бошидан киришилади. Новдалар 1—3-ярусдаги симларга қияроқ қилиб кўтариб боғланади. Ток атрофи эса юмшатилиб, илдиз бўғзидан ўсиб чиққан «шудрингтерар» майда илдизчалар тозаланади.

Биринчи хомтокда шўраси бор, керакли новдалар қолдирилади, ортиқчалари қўл билан қайириб олиб ташланади. Иккинчисида бир йиллик кўк човдаларнинг барг қўлтиғидан ўсиб чиққан новдачалар 20—25 сантиметрга етганда юлинади. Ҳар иккала хомтоклашда кундадан ўсиб чиққан новдалардан 3—4 таси қолдирилиб, эски зангларни алмаштириш мақсадида парвариш қилинади.

Маълумки, суғориладиган ерларда хўраки узум навларининг новдалари узун бўлиб ўсади. Бўғинлар орасини қисқартириш учун ТУРдан тайёрланган 0,5 фоизли эритма гуллашдан 2 ҳафта олдин токка пуркалса, ҳосилдорлик 25—30 фоиз кўпаяди. Айни пайтда бу келгусида новдаларда куртаклар сони ортишига кўмаклашади.

Сифатли мева ва узум етиштиришда касаллик ва зараркунандаларга қарши ўз вақтида курашиш ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳосилга кирган олма ва нок дарахтларига айниқса бинафша ранг қалқондор, калифорния қалқондори, олма мевахўри, нок курти, халтали ва гирдак куя, олма қандаласи, ўсимлик канаси, шунингдек, калмараз ва олма уншудринги энг кўп зиён келтиради.

Уларга қарши комплекс кураш чоралари қўлланилади. Бу асосан қиш, баҳор ва ёз фаслларида амалга оширилади.

Дарахтларга нитроэмульсия кўпинча февраль ва март ойларида, яъни куртак барг ёзгунча бир марта пуркалади. Бунда вентиляторли пуркагич ёки ОВХ-14 қўлланилади. Ҳарорат 8 даражадан паст бўлмаган, шамол эсмаган кунлар дори пуркаш учун яроқли ҳисобланади.

Калмараз касаллигига қарши куртак барг ёзиш олдидан дарахтларга бордокс суюқлиги пуркалади.

Баҳорда олма мевахўрининг ғумбаклайдиган куртлари, дарахт бити ва бошқа зараркунандаларнинг урғочилари қириб ташланади. Шу мақсадда дарахтларнинг илдиз бўғзи, тана ва шохларига таркибида метофос ёки фозалон, трихлорметафос-3 концентрати ёки ҳўлланувчи порошогидан иборат суюқлик пуркалади. Қалқондорларга қарши курашда куртаклар бўртиш олдидан таркибида 8 фоиз дизель ёнилғиси ва 0,6 фоиз нитрофен бўлган нитроэмульсия ишлатилади. Ўсимлик бити ва мева куртига қарши олхўри дарахтларига фазолон ва рогордан иборат суюқлик пуркалади.

Узумга кўпроқ кул касали (оидиум) ва узумхўр катта зарар етказади. Биринчисига қарши кўк ток новдаларида 3—4 та барг пайдо бўлганда 25 килограмм олтингугуртга сўндирилган 10—12 килограмм оҳак порошоги аралаштирилиб сепилади. Узумхўрга қарши эса 0,2 фоиз фозалон ёки антио суюқлиги қўлланилади.

Юқорида қайд этилган тадбирларни боғбонлар, соҳибкорлар ва мутахассислар ҳамкорликда ўз вақтида, сифатли ўтказсалар, олдимизда турган вазифа шубҳасиз рўёбга чиқади.

М. МИРЗАЕВ,
Р. Р. Шредер номидаги Ленин орденли мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, ВАСХНИЛ академиги.

М. СОБИРОВ,
шу бирлашма агротехника бўлимининг мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

ВОСТОК. (Приморье ўлкаси). Приморье кон-бойитиш комбинатида шахта сувларини зарарсизлантириш учун оксидланиш жараёнларини тезлаштириб, оғир металлар ионларини тутиб қолувчи бактериялар қўлланилди. Олмаотадаги «Казмеханобр» илмий текшириш институти олимларининг ёрдами билан жорий этилган бундай усул вольфрам ишлаб чиқариш технологиясининг хусусиятларига анъанавий усулга нисбатан кўпроқ мос келади. Мутахассисларнинг фикрича, энди Тайгадаги Дальняя ва Большая Уссурка дарёларида яшовчи майда жонзорлар ва ўсимликлар тиклана бошлайди.

* * *

ХАРЬКОВ. Косиор номли станоксозлик заводида кўплаб ишлаб чиқарила бошланган янги туркум дастгоҳлар самолётлар, автомобиллар, тракторлар ва комбайнлар двигателларининг кўп босқичли валларига кўзгудек ярқиратиб сайқал беради. Микропроцессорлар билан жиҳозланган янги дастгоҳ ўзи ҳисоблайди ва иш программасини ўзгартиради. Мазкур дастгоҳ ана шундай бошқа станокларга нисбатан бир неча баравар самаралироқ бўлиб, у деталларга ишлов бериш сифатини ярим микрон нари-бери аниқ бўлишини таъминлайди. Йил охирига қадар турли тармоқлар корхоналари учун икки юзта ана шундай дастгоҳ ишлаб чиқарилади.

* * *

ТБИЛИСИ. Сухуми ижодкор ходимлари ёшлар бирлашмасининг экология секцияси амалга оширган яна бир иш муваффақият билан тугалланди. Унинг куч-ғайрати билан субтропик зонанинг қўриқхона ўрмонлари ва унумдор ерлари устидан ўтиши керак бўлган юқори кучланишли электр линияси қурилишини вақтинчалик бўлса-да тўхтатиб қўйишга эришилди. Шу тариқа, ҳар бир қарич ер олтинга тенг бўлган Абхазияда қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун уч минг гектардан кўпроқ ер сақлаб қолинди, дарахтларнинг қимматбаҳо турларининг кесилиб кетиш хавфи бартараф этилди.

* * *

ВЛАДИМИР. Швейцариянинг машҳур «Гертнер» фирмаси Владимирдаги «Техника» бирлашмасида ишлаб чиқарилган митти станокларни ўз мамлакатида бир ҳафтадаёқ сотиб бўлди. Бу маҳсулот якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи кишиларга мўлжалланган. Ёзув машинкасидан салгина каттароқ бўлган бу агрегатда мураккаб токарлик, пармалаш ва фрезерлик операцияларини бажариш мумкин. Хилма-хил жиҳозлари ва мосламалари борлиги туфайли «ТШ-3» ишлов бериш маркази билан рақобатлаша олади. Чунки у яна сайқал бериш, арра ва лобзик билан ишлаши мумкин. Митти станок уйдаги оддий электр розеткасига уланади. Агрегатда тўрт хил тезликда ишлов бериш мумкин бўлиб, у юксак сифат ва икки ярим микронгача аниқликни таъминлайди.

* * *

ОЛМАОТА. Қоратол дарёсида сел тошқини бўлишининг дастлабки аломатлари сезилиши биланоқ, эфир орқали хатардан огоҳ этувчи радиосигналлар тарқалади. Бундай сигналлар дарё водийсида яшовчи аҳолига вайронагарчилик келтирувчи табиий офат билан учрашувга тайёргарлик кўриб қўйиш имконини беради. Хунгар олатови муз қатламларидан бошланувчи дарё водийсида сел хавфидан огоҳ этишнинг автоматик системаси яратилганлиги бунга имкон берди. Система дарё суви сатҳининг кўтарилишини кузатиб турувчи қурилмалар тармоғидан иборат. Ҳар бир қурилмага рация ўрнатилган бўлиб, улар сел бошланаётгани тўғрисида Толдиқўрғон ва Текели шаҳарларига хабар қилади.

* * *

ГРОЗНИЙ. Чечен-Ингушиянинг Червленная станцияси яқинида ишга туширилган кучли компрессор станцияси Шимолий Кавказ ва Кавказорти районларига кўпроқ табиий газ етказиб бериб туриш имконини яратади. Бу ўзига хос механик юрак Моздок-Боку газ қувури орқали бир кеча-кундузда деярли 90 миллион куб метр газни ўтказиб бера олади. Энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган мазкур станцияни «Грозтрубопроводстрой» тресги мутахассислари бу ерда шартнома асосида ишлаётган болгар қурувчилари билан биргаликда бунёд этдилар.

* * *

МОСКВА. Жаҳоннинг 35 тилида чиқадиган «Гиннесснинг рекордлар китоби» ноёб справочниги биринчи марта рус тилида нашр қилинди. 1974 йилдан буён китобхонлар ўртасида энг машҳур китоблардан бири бўлиб келаётган бу янги нашр 13 февраль куни Москвада кўрсатилди.

* * *

ГОРЬКИЙ. Волга бўйидаги шаҳарда 13 февраль куни актёрлар уйи очилди. Бу байрам бир кунда тугаб қолмайди: бу ерда театр марафони бошланди. Кўрик халқаро театр кунида, актёрлар уйида шаҳардаги барча ижодий ташкилотларнинг вакиллари саҳнага тўпланганида якунланади. Билетларни сотишдан тушган маблағ Совет маданият фондининг маҳаллий бўлими ҳисобига ўтказилади.

ВАЗИЯТ НОРМАЛЛАШМОҚДА

ДУШАНБЕ. 19 февраль. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун эрталаб Тожикистон пойтахтида шаҳарни тозалаш ишлари давом этди. Душанбе кўчаларида сув сепиш машиналари юрибди, дўконларнинг ходимлари ойна синиқларини йиғмоқдалар, газета сотувчилар бузилган дўконларни тартибга келтиришаяпти.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитетида бугун бўлиб ўтган матбуот конференциясида ҳам шу ҳақда гапирилди. Марказий Комитетнинг масъул ходимлари журналистлар ҳузурида сўзга чиқиб, шаҳарда меҳнат маромининг изга тушаётганлигини, Душанбеда содир бўлган воқеалар муносабати билан ишга чиқолмай қолган корхона ва ташкилотларнинг ишчи ва хизматчиларига, ҳар қалай, улар олиши лозим бўлган иш ҳақи тўланишини айтишди. Шаҳарда экстремистлар вайрон қилган объектларни тиклашга ёрдам учун маблағ тўплаш мақсадида банкда махсус счёт очишга қарор қилинди, бир қанча корхоналарда ҳозирнинг ўзидаёқ маблағ йиғилди.

Республика Ички ишлар министрлигининг кундалик маълумотномасида айтилишича, кеча Қўрғонтепа шаҳридаги область партия комитети биноси олдида бир ярим мингга яқин киши тўпланди, одамлар маиший шароитлар яхшиланишини, областни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришни, республика айрим раҳбарларининг истеъфога чиқишини талаб қилдилар.

Шу куни кечқурун Тожикистон телевидениеси орқали КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг раиси Б. К. Пуго нутқ сўзлади. У республикадаги сиёсий вазиятга баҳо берди, меҳнаткашларни ҳаяжонга солиб турган саволларга жавоб қайтарди.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ХАЛҚ МУЗЕЙИ

Самарқанд тинчлик ва бирдамлик жамоатчилик музейига халқ музейи деган унвон берилди.

Ҳозир ўн мингтадан кўпроқ экспонати бўлган бу музейни бир гуруҳ ғайратли кишилар — ўқитувчилар ва ишчилар, талабалар ва ўқувчилар ташкил этишганди. Музейда 55 мамлакатдан келтирилган ниҳоят хилма-хил материаллар — китоблар ва плакатлар, газета ва журналлар, пластинкалар, кўкракка тақиладиган нишонлар ва маркалар, видеокассеталар тўпланган. Музей кўплаб жамоат ташкилотлари ва айрим кишилар билан доимий алоқа боғлаб туради. Бундай ҳақиқий халқ дипломатияси сезиларли натижалар бермоқда.

Кейинги вақтда экспонатлар мажмуига колумбиялик ёзувчи ва шоир Энри Луке Муньоснинг шеърлар китоби қўшилди. Ушбу китоб муаллифнинг кўҳна шаҳарга қилган сафари таассуротлари остида пайдо бўлган. Унга «Улуғбек» деб ном берилиши ҳам тасодифий эмас. Шоирнинг эътироф этишича, Шарқда яшаган улуғ олимнинг шахси унинг учун юксак маънавийлик ва инсоният даҳосининг рамзига айланган.

Ҳатто мамлакатимиз дипломатик муносабатлар ўрнатмаган давлатлардаги жамоат ташкилотлари билан ҳам алоқалар йўлга қўйилган. Яқинда музей номига Исроилдан жўнатма келди. Уни «Исроил—Фаластин тинчлиги учун» кенгашининг котиби Адам Келлер юборган эди. Жўнатма ичида Исроил билан Фаластин ўртасидаги можарони бартараф этиш кенгаши фаолияти акс этган плакатлар, китоблар, альбомлар бор эди. Женевадаги жуда катта муаммолар ахборот маркази Самарқанд музейи ҳузурида ўз бўлимини очишни таклиф этди. Музей «тинчлик мулоқотлари» СССР — АҚШ ташкилоти билан ҳам доимий алоқа ўрнатган.

БОЛАЛАРГА АТАЛГАН

Нукус жумҳурият кашшофлар саройида бўлган кўрикда шаҳарнинг энг яхши чеварлари болалар кийимлари туркумини намойиш этдилар. Намойишда Нукус мактабларининг ўқувчилари ва Ҳамза номидаги Хўжайли болалар уйининг тарбияланувчилари қатнашдилар. Айни вақтда саройда хўжайлилик ёш чеварлар ишларининг кўргазмаси очилди. Модалар байрами болалар ва ўсмирлар кийими ҳамда «Мода ва болалар» пойабзали Бутуниттифоқ фестивали доирасида ўтказилди. Фестиваль бу йил Ленин номли Совет болалар фондининг ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Шаҳар ва район мусобақаларининг ғолиблари фестиваль охирида Нукусда бўладиган жумҳурият конкурсида қатнашадилар, — деди Совет болалар фонди Қорақалпоқ бўлимининг ходимаси М. Кузнецова. — Ҳозир Қорақалпоғистоннинг барча катта шаҳарларида дастлабки кўргазмалар бўлмоқда, кийим-кечакларнинг энг хушбичимлари танлаб олинмоқда. Жумҳурият конкурсининг ғолиблари фестивалнинг 25 мартдан 31 мартгача Ленинградда бўладиган якунловчи босқичида қатнашадилар.

Фестиваль программасига биноан болалар ва ўсмирлар кийими ҳамда пойабзали, тўқимачилик материаллари, турли чизмалар, муаллифлик мажмуалари ижодий конкурсини ўтказиш назарда тутилган. Болалар буюмларини ишлаб чиқарадиган энг яхши корхоналар учун конкурс алоҳида ўтказилади.

Ўзбекистон ССР халқ шоири ЧАРХИЙ таваллудининг 90 йиллигига

ШИРИНЗАБОН ҒАЗАЛХОН

Агар Чархий домла ҳаёт бўлганида 90 баҳорининг юзини кўрарди. Шу муносабат билан жамоатчи мухбиримиз шоир ватанида бўлиб, у ерда олиб борилаётган ишларга қизиқди.

С. Мавлонов, Қўқон шаҳар партия комитети мафкура бўлимининг мудири:

— Шоирлар ватани деб ном олган шаҳримиз меҳнаткашлари Муқимий, Фурқат, Завқий, Муҳсиний, Ҳамза, Анбар отин, Нодира сингари ўз асарлари билан адабиёт мухлисларига яхши таниш бўлган ижодкорлар номини эҳтиром ила тилга оладилар. Улар сафидан республика халқ шоири Асқарали Ҳамроалиев — Чархий домла ҳам муносиб ўрин эгаллаган. Ҳозирги кунда кўҳна шаҳримизнинг бир қанча жойлари, шу жумладан кинотеатр, кўча, мактаблар машҳур ғазалхон шоир номи билан аталади. Чархийнинг 90 йиллик байрамини нишонлаш муносабати билан матбуотда унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида бир қанча материаллар ёритилди. Мухлислар орасида адабий кечалар, мушоиралар, шоир ижодига бағишланган конференциялар ўтказилди. Аскиячилар клубида, шаҳардаги музикали драма театрида, Ғафур Ғулом ҳамда Ҳамза музейларида Чархий ижодиётини намойиш қилувчи кўргазмалар ташкил этилди. Ўзбекистон, Фрунзе, Ленинград, Бувайда каби районларда тантанали йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.

Ҳ. Отажонов, шаҳардаги Ғ. Ғулом номли адабиёт музейи фонд бўлимининг мудири:

— Бизнинг музейда ўндан ортиқ адиб ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар тўпланган. Жумладан, Чархий домланинг республика халқ шоири Собир Абдулла билан ёзишмалари, бир қанча фотосуратлари, Муқимий, Завқий, Фурқат ҳақидаги хотиралари сақланмоқда. Шахсий буюмлари — қамиш қалам, тўн, кўзойнак, ўндан зиёд китобларининг қўлёзмалари, ҳужжат ва нишонлари, фахрий ёрлиқлари музейга келувчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

Домла таваллуд топган кун муносабати билан «Чархий — хаттот, лирик шоир, тўпловчи» деган буклама китобча нашр этдик. Устознинг қўшиқларини куйлаган Ҳожимуҳаммад Обидов, Наримон Фаттоҳов, Назиржон Назаров ва бошқаларнинг овозлари ёзиб олинган лenталар ҳам нодир ёдгорликлардан ҳисобланади. Шаҳардаги педагогика билим юртида, 3-мактабда, Фрунзе районидаги 30-мактабда шоирнинг шогирди Комил Жўра иштирокида чархийхонлик ўтказилди.

А. Мадаминов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Маълумки, Қўқон шаҳри ҳақида гап кетганда унинг тарихида муайян ўрин эгаллаган Меҳрибон мулла Бошмон қизи Маҳзуна, Ҳусайнқули Сулаймонқули ўғли Муҳсиний, Сулаймонқул уста Суярқул ўғли Рожий, Маҳмуд Шодимуҳаммад ўғли Ҳакимий, Ёрмуҳаммад Жаъфар ўғли Ёрий, Ашурали Муҳаммад Зоҳир ўғли каби шоирлар албатта тилга олинади.

Ғазал жанрини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган Асқарали Ҳамроалиев Сарбаҳодур маҳалласида 1900 йилда косиб оиласида дунёга келган. Бошланғич маълумотни эски мактабда олгач, Султон Муродбек мадрасасида таҳсил кўрган. Талабалик йилларидаёқ араб ва форс тиллари грамматикасини, шарқ классик шеъриятининг Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Фузулий, Бедил сингари атоқли намояндалари асарларини сабот билан ўрганган. Ёшлигиданоқ адабиётга меҳри тушган Чархий замондошлари Рожий, Мирза Хўжандий, Мўминжон Мақсад каби шоирлар билан биргаликда ижод қилди. Инқилоб йилларида ўзига Чархий тахаллусини олди.

1926 йилда Қўқонда косиблар артели — «Қувват» ташкил этилгач, унга аъзо бўлиб кирди ва 1940 йилгача шу ерда ишлади. Сўнг Ҳамза номли музикали драма театрида адабий эмакдошлик қилди. 1943—1979 йиллар давомида Муқимий уй-музейида илмий ходим бўлиб ишлади. Устознинг «Ширин ва аччиқ», «Шеърлар», «Алихўжа-Хўжаали», «Девон», «Бешигингда ётмайман», «Зебо Қўқон» сингари шеърий тўпламлари мухлислар жавонидан муносиб ўрин олган.

Бугун барча мухлислари шоир туғилган кунни кенг нишонлар эканлар, унинг эзгу ниятлари амалга ошишига хизмат қилишга камарбастадирлар.

Суҳбатдош:
М. СУЛАЙМОНОВ.

ЧАРХИЙ

ТОПАР

Ҳар улуғ мақсадни одам тоза виждондан топар,
Тоза виждонни дили покиза инсондан топар.
Истаса ҳурмат жаҳонда топгали ахлоқ керак,
Кимки манманликни истар бўлса, нодондан топар.
Меҳнат этса гар киши дарёга, қайтар унга ҳам,
Маҳсулин дарё эмас, бир кун хиёбондан топар.
Осмонга боқма, аввал боқ оёғинг остига,
Қайси эр ердан эмас, давлатни осмондан топар!
Парча нон қадрини билган, кўпни ҳам хор айламас,
Бир ҳовуч дон сепса деҳқон, кузда хирмондан топар.
Халқ аро меҳру вафодан тоза бир гул истаган
Чархийдек булбулга кон, ҳур шу гулистондан топар.

ГУЛИСТОНИМ ҚЎҚОН

Гуллаган, обод чаманзорим, чароғоним Қўқон,
Тарбият берган илиқ бағрида дармоним Қўқон,
Қаҳрамон мардлар етиштирган гулистоним Қўқон,
Барқ уриб иқболимиз, доим фаровоним Қўқон,
Таърифинг ҳар қанча айтсам, бордир имконим Қўқон.
Нон ярим, кўнгил ярим, қийноқда эрди жонимиз,
Бегу хонлар даври битган, ушбу ҳур давронимиз,
Дил бутун, халқим бутун, асло ушалмас нонимиз,
Қон-қариндош барча миллат, пок эрур виждонимиз,
Маърифат аҳлини кони, элга достоним Қўқон.
Фахр этармиз, халқ яратган неча бунёдинг билан,
Мангу қулликдан халос бўлган ҳур авлодинг билан,
Бебаҳо давримда юксак санъат, ижодинг билан,
Завқ ила меҳнатда яйрармиз мудом ёдинг билан,
Нурга тўлган кўкси доим шоду хандоним Қўқон.
Юксалиб сенда саноат, санъатинг зўр ифтихор,
Олима, олимларингнинг шуҳрати дунёча бор,
Машъалистон кўча-куйлар равнақи гўё баҳор,
Фабрикангда қиз-йигитлар ялла айтиб ёр-ёр,
Дер вафоли она юртим сен Қўқон, жоним Қўқон.
Чорсудан силқинди оққан қора сув анҳори йўқ,
Турли ифлос сув ичиб, йиллаб ётар бемори йўқ,
Кўча тизза бўйи балчиқ, эски чалчиқ дори йўқ,
Артизан сувдан ичармиз, бўйнимиз озори йўқ,
Сен шифоли сувга қонган тоза майдоним Қўқон.
Партиямдан баҳраманд фарзанду ота-оналар,
Ҳар бири термоқда фаннинг боғидан дурдоналар,
Тарбият-ла ўсди ёш авлод, аҳил ҳамхоналар,
Кам эмас бағрингда яйраб Чарх-урар парвоналар,
Сен камол топган улуғ ҳикматли бўстоним Қўқон.

ҚИЁЛАБ ЎТДИ

Тонг чоғи сарви нозим аста қиёлаб ўтди,
Тушгач кўзи кўзимга таъзим бажолаб ўтди,
Таъзимига эгиб бош ҳурмат ишора қилсам,
Мастона кўз учида шарму ҳаёлаб ўтди.
Сунбулини бўйи тарқаб олам муаттар ўлди,
Сочи магар чамандин гулни аролаб ўтди.
Кўз эрди интизори кўрмакка зор кўнгил,
Кўрсатди ой жамолин қалбим жилолаб ўтди.
Дуч келса шум рақиблар, агёр бенасиблар
Қаҳру итоби бирлан бағрин яролаб ўтди.
Бир зумда кўздан учди, гўё фалакни қучди,
Ё гул уни яширди, ёким ҳаволаб ўтди.
Ишқ оламида Чархий сабрингга офарин деб,
Нозик табассуми-ла ишқим баҳолаб ўтди.

СПОРТ АХБОРОТИ

● ШАХМАТ

Испаниянинг Линарес шаҳрида йирик халқаро мусобақа бошланди. Илк турда жаҳон чемпиони Г. Каспаров англиялик Б. Гельфанд билан дуранг ўйнади. Шунингдек, Н. Шорт — В. Иванчук партиясида ҳам кескин баҳс бориб, рақиблар очконИ бўлишиб олдилар.

Белявский Гульконни, Портиш Любоевични, Юсупов Спасскийни, Салов Ильескасни мағлубиятга учратдилар.

● ХОККЕЙ

Олий лигада бир учрашув бўлиб ўтди. Москва спартакчилари Горькийнинг «Торпедо» командасини қабул қилиб, 3:2 ҳисобида устун келдилар. Бу ютуқдан сўнг «Спартак» тўплаган очко 41 тага етди.

УЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

	Ў	О
«Динамо» М	40	62
«Химик»	40	62
МАСК	40	60
«Динамо» Р	40	48
«Крылья Советов»	40	45
«Торпедо» Я	38	41
«Сокол»	39	41
«Спартак»	40	41
«Торпедо» Г	41	35
«Динамо» Мн	40	31

● СУЗИШ

Жаҳон кубоги мусобақасининг навбатдаги босқичида мамлакатимиз вакиллари муваффақиятли қатнашдилар. Улар айниқса охирги куни яхши натижаларга эришдилар. Кишинёвлик Юрий Башкатов 100 метрга эркин усулда сузишда марра чизиғига биринчи бўлиб етиб келди. Италиялик Роберто Глерия иккинчи, киевлик Владимир Ткаченко учинчи натижани кўрсатдилар.

100 метрли масофага чалқанча сузишда япониялик Д. Судзуки ғолиб чиқди. Республикамиз вакили Сергей Заболотнов иккинчи ўринни эгаллади.

● ШАШКА

Шашка тожи учун А. Чижов ва Т. Сейбрандс ўртасида ўтказилган 12 ва 13-партиялар дуранг бўлди. Ҳисоб 7:6, олдинда Сейбрандс.

● ҚИЛИЧБОЗЛИК

Парижда халқаро мусобақа ниҳоясига етди. Таллиннлик Кайдо Каберма зафар қучди. У финалда францияли Оливье Ленгледан устун келди.

● ВОЛЕЙБОЛ

Олмаота уйсозлик комбинатининг волейболчи қизлари кубок эгалари кубогини қўлга киритдилар. Вакилларимиз ҳал қилувчи ўйинда Италиянинг «Бралиа Кучине» клубини мағлубиятга учратдилар — 3:1.

Олий лига, эркаклар командалари ўртасида ўтказилган икки учрашув қуйидаги натижаларни берди: «Локомотив» — «Искра» — 3:2, «Радиотехник» — «Автомобилист» — 0:3.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ПЕЧКАДАН ЎТ ЧИҚИБ КЕТМАСИН ДЕСАНГИЗ...

Турар-жойлардаги ёнғинлар одамларни бошпанасидан айириб, мол-мулкини нобуд қилиши туфайлигина эмас, балки хонадон соҳибларининг, биринчи галда ёш болаларнинг ҳаётини хавф остида қолдириши туфайли ҳам ўта хатарлидир.

Шу йилнинг январь ойидагина жумҳуриятимиздаги печкалар билан иситиладиган турар-жойларда ҳаддан ташқари қизиб кетиш ва печкалардан фойдаланишдаги бошқа ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг қўпол суратда бузилганлиги оқибатида 500 дан ортиқ ёнғин чиқиш ва ўт олиш ҳодисалари содир бўлди.

Ҳаммаси бўлиб, ўтган йили иситиш печкалари туфайли 3216 маротаба ёнғин чиқди, бу эса ёнғинлар 1988 йилдагидан 65,6 фоизга кўпайди, демакдир.

Иситиш печкаларидан ўт чиқиш ҳодисалари ва ёнғинлар содир бўлмаслиги учун эҳтиёт чораларига қатъий амал қилиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бажариш, печкалар ва дудбуронларни вақтида тузатиш ва қурумдан тозалаб туриш лозим.

Ёнғин чиқишининг олдини олиш мақсадида қуйидагилар ман этилади:

— тешик-ёриғи бўлган печкалар ва ўчоқлар, ўтхоналар ва ўтхона остидаги ҳаво кирадиган тешикларнинг носоз эшикчалари, ёнғинга қарши разделкаси 38 см. дан кам бўлган дудбуронлардан фойдаланиш;

— печкани ўт олдириш учун бензин, керосин ва бошқа енгил алангаланадиган суюқликлардан фойдаланиш;

— ёқилган печкаларни, ёниб турган керосин ва газ асбобларини назоратсиз қолдириш, шунингдек бу асбобларга қараб туришни ёш болаларга ишониб топшириш;

— печкаларни ҳаддан ташқари қиздириб юбориш, шунингдек, печкалар устида ва орқасида ўтин, кийим-кечак ва бошқа ёнувчан материалларни сақлаш;

— иморатлар яқинида ҳали ўчмаган кўмир қўри ва кулни тўкиш.

Ёнғин чиққан ҳолларда «01» телефони орқали зудлик билан ўт ўчириш хизматига хабар қилиш зарур.

ГРАЖДАНЛАР! Тасодифий «усталар»га печка қурдирманг. Кўнгилли ўт ўчириш жамияти хизматларидан фойдаланинг!

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТ КЎНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРИШ ЖАМИЯТИ.

«ВАГНЕР» ШВЕЙЦАРИЯ ФИРМАСИНИНГ ЛИЦЕНЗИЯСИ БЎЙИЧА

СССР ва ВХР корхоналари кооперациялашган ҳолда 2600Н юқори босимли бўёвчи агрегатларини чиқармоқда. Агрегат жуда кўп мақсадлар учун мўлжалланган бўлиб, ундан бинолар ва иншоотларни оқлаш учунгина эмас, балки қуйидаги ишлар учун ҳам фойдаланиш мумкин:

Суюқликларни 40 метр масофа (баландлик)гача тортиб чиқариш:

бинолар ва объектларни дезинфекциялаш;

бутазорлар ва мевали боғларга заҳарли химикатлар билан ишлов бериш;

автомобилларни, қишлоқ хўжалик техникасини ювиш; нефть маҳсулотларини қазиб чиқариш.

Бу агрегатдан, шунингдек, ҳар хил гидравлика системаларида насос сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Сиқиб чиқариш босими —0—240 кв см.

Насос қуввати 3,6 (л)мин. Сўриб олиш баландлиги 4 м сув. ст.

Электр двигатели махсус портлаш хавфисиз ишланган. Габарит ўлчамлари — 920×500×795 мм. Оғирлиги 50 кг.

Чакана баҳоси — 1700 сўм, қўшимча ашёлари билан эса 1900 сўм.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2600Н ЮҚОРИ БОСИМЛИ БЎЁВЧИ АГРЕГАТЛАРИ «УЗХОЗТОРГ»НИНГ ЭЛЕКТР ТОВАРЛАРИ ВА МЕБЕЛЬ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИДА МАВЖУД.

«Узхозторг»нинг электр товарлари ва мебель билан савдо қилувчи Тошкент областлараро базаси.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон ишлаб чиқариш корхонаси.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

СИРДАРЁ. «Ленинград» колхозининг Боғаро қишлоғида беш хонадон ҳовли тўйлари ўтказди. Ҳар бирининг қиймати 20 минг сўм турадиган замонавий тўрт хонали уйларни механизациялашган 38-кўчма колонна қурувчилари бунёд этдилар. Улар йил охиригача яна ўнта ана шундай бинони топширишга аҳд қилишган.

Қ. ҲОЖИЕВ.

* * *

АНДИЖОН. «Октябрь 50 йиллиги» колхозидаги (Марҳамат райони) «Лола» деб номланган боғчада меҳнаткашларнинг 90 нафардан ортиқ ўғил-қизи тарбияланаяпти. Кичкинтойлар учун ҳамма нарса муҳайё. Кўплаб ўйинчоқлар болалар ихтиёрига бериб қўйилган. 11 йилдан бери боғчага мудирлик қилаётган Шамшодхон Рўзиева, тарбиячилар Руқияхон Мирзақулова, Турсуной Абдураҳимова, Муҳаббат Шокирова, Тожибархон Исмоилова ва ҳамшира Робияхон Собирова доимо жажжилар атрофида парвона.

Х. ЖЎРАЕВ.

* * *

БУХОРО. Охунбобоев номли колхоз (Свердлов райони) аъзолари алоқачилардан ажойиб совға олдилар. Хўжаликдаги барча телефонларга автомат мосламалар ўрнатилди. Эндиликда колхоз аҳли саккиз ҳамда бир рақамларини териб, шаҳардаги танишлари ва истаган ташкилотлари билан бемалол гаплашаяптилар.

А. ҲАЙДАРОВ.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

НОЁБ ОПЕРАЦИЯ

Ҳинд олимлари ва қурувчилари ўрта аср ҳинд меъморчилигининг машҳур ёдгорлиги — Андҳра-Прадеш штатидаги Кудавелли Сангамешвара ибодатхонасини қутқариш юзасидан ноёб операцияни амалга оширдилар. Баландлиги йигирма метр келадиган бу бино шу яқин атрофдаги Кришна дарёсида тўғон қурилаётганлиги туфайли сув босмаслиги учун у 600 метр четга сурилди.

Бу ишлар ўн йилдан кўпроқ вақт давом этди. Ҳозирги минг йиллик бошларида харсанг тошлардан қурилган мазкур ибодатхона эҳтиёткорлик билан бузиб олинди. Шундан кейин ҳар бир тош ва ибодатхона деворларига безак хизматини ўтовчи жиҳозлар махсус тайёрланган ғўлалар устида юргазилиб, «янги жойга» олиб борилди. Бу ишларнинг барчаси қўлда бажарилди. Чунончи, «Таймс оф индиа» газетасининг хабар қилишича, ибодатхона тошларининг бирортаси ҳам арраланмаган. Ҳолбуки, одатда катта бинолар кўчирилаётганида йирик тошлар кесилиб, ихчамлаштириб олинади.

130 ЁШЛИ ОНАХОН

Марокашлик Ача буви Кхадуи бин Муҳаммад ал Абдийя яқинда ўзининг 130 ёшини нишонлади. Буви ўзини яхши ҳис қилмоқда, врачлар ундан ҳеч қандай жиддий касаллик топмадилар. У уйдаги майда-чуйда рўзғор ишларини ўзи бажаради. Кекса аёлни хафа қилаётган якка-ю ягона нарса унинг беш вақт намозни қанда қилмай ўқий олмаётганлигидир. Ача буви аллақачон буви бўлиб қолган набираси билан яшайди. Унинг икки қизи эса юз ёшга киришларига бир неча йилгина қолганида вафот этишган эди.

МЕЪМОРЧИЛИК САНЪАТИ НАМУНАСИ

Перу қишлоқ хўжалик ва саёҳатлар министрликлари ҳамда маданият миллий институти имзолаган битимга мувофиқ, XIV—XV асрларда яшаган индеецлар маданиятининг нодир ёдгорлиги — Мачу-пикчу қалъа шаҳрини сақлаб қолиш учун 96 минг доллар пул ажратилади, деб хабар қилди ЭФЭ агентлиги.

ЮНЕСКО инсоният мулки деб эълон қилган Мачу-пикчу вайронлари инклар давлатининг қадимий пойтахти бўлган Куско шаҳридан 75 километр шимоли-ғарбда жойлашган. Мачу-пикчудаги қуёш ибодатхонаси инклар меъморчилик санъатининг намунаси ҳисобланади.

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 23 февраль, жума куни чиқади.

Муҳаррир ўринбосари
Н. ЁҚУБОВ.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА КЎРИНГ

22 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 «Тоғ йўллари қўшиқлари». Телефильм.

12.00 «Онажон, онагинам». Ҳужжатли фильм.

12.20 Болалар учун фильмлар. «Хонаки театр», «Сўзсиз шеърият».

13.10 «Оқ кема». Бадиий фильм («Қирғизфильм»).

* * *

17.00 «Шпаргалкаларсиз», «16-кўчма механизациялашган колоннанинг оддий иш кунлари», «Юлдузли он». Кинопрограмма.

18.00 Кўрсатувлар программаси.

18.05 Болалар учун фильм. «Болалар денгизни орзу қилишади».

18.35 «Шеърият дафтаридан». Шавкат Раҳмон.

18.45 ЎзССР Ички ишлар министрлиги матбуот маркази хабар қилади...».

18.55 «Алифбо сабоқлари». 3-кўрсатув.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.50 «Халқ қалби». Фильм-концерт («Ўзкинохроника»).

20.10 Партиянинг КПСС XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қиламиз.

20.30 «Ахборот».

20.50 Ўзбек куйларидан концерт.

21.30 Москва. «Время».

22.00 «Деҳқон ва замон».

23.00 «Ефрейтор Збруевнинг етти қайлиғи». Бадиий фильм («Ленфильм»).

00.35 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.00 Спорт программаси. 1. «ДОСААФ — мардлик майдони». 2. Волейбол бўйича СССР чемпионати. «Автомобилист» (Тошкент) — «Январка» (Одесса). 21 февралда ёзиб олинади.

20.05 «Огинский полонези». Бадиий фильм («Беларусьфильм»).

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».

22.00 «Севгим муқаддимаси». Фильм-концерт. («Қирғизтелефильм»).

23.10 «Уйга йўл». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут».

9.05 Чувашистон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти.

9.50 «Қуёшли шамол». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 2-боб — «Уйга қайтиш».

10.55 «Йил фасллари». Февраль.

11.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).

12.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот).

13.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.00 «Гармонь янграётган жойга борамиз». Пятигорскдан кўрсатилади.

16.30 Болалар учун фильм. «Қаердасан, Багира?» (Одесса киностудияси).

17.45 «ТелеЭКО» журнали.

18.15 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Солдат Орловлар». Ҳужжатли фильм.

18.45 Кичик концерт.

19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

19.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».

20.15 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал.

21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

22.00 Долзарб интервью.

22.10 «Қуёшли шамол». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 3-боб — «Оддий иш кунлари».

23.20 «Дастхат». Лоредана Берте куйлайди (Италия).

00.25 «Сен бугун ёлғиз эмассан». «Аноним алкоголлар» Москва жамиятининг фаолияти ҳақида.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан пайшанба, 22 февраль куни МТ II кўрсатувлари соат 17.40 дан бошлаб олиб кўрсатилади.

● МТ II

17.40 Биатлон. Жаҳон чемпионати. 7,5 км. Яккама-якка пойга. Хотин-қизлар. Раубичидан кўрсатилади.

18.10 Ритмик гимнастика.

18.40 «Сирли сайёҳ». Телевизион ҳужжатли фильм. 4-фильм.

19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).

19.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биргалашиб қурилган уй». Мультфильм.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»—«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»

Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб. — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р. — 04103. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Д. 1140. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12